O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 9 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 89 (7492)

Ҳар бир янги дарс шу дарсни тинглаётган ўқувчиларга янгилик бера олсагина, дарс бераётган ўқитувчи болалар қалбига йўл топа олади. Ўқувчилар эса ўқитувчини ҳам, у ўтаётган дарсни ҳам интиқлик билан кутадилар.

Ўқувчи-ёшларнинг ана шундай мароқ билан дарс тинглашларига замин яратаётган тажрибали муаллимлардан бири Гулнора Каримова 18 йилдан бери Юнусобод туманидаги 43-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб келмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси II чақириқ IX сессияси материалларини адабиёт дарслари мазмунига сингдириб ўтиш усуллари хусусида

O'qituvchiga yordam

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида жамиятимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари дастуриламал сифатида белгилаб берилди.

Мазкур сессия материалларини мактабда ўрганишнинг аҳамияти шундаки, мамлакат ворислари бўлмиш ўқувчилар келажакда фуқаролик жамиятининг шаклланишида ўз улушларини қўшишлари ва бунинг учун улар жамиятнинг онгли аъзоси бўлиб етишишларига имкон яратиш керак бўлади. Зеро, жамиятнинг онгли аъзоси бўлиб етишган шахслар "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилнинг ҳаётий бўлишида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигининг сессияда таъкидлаб ўтилиши онгли ва эркин шахсларни тарбиялаб, вояга етказиш таълим-тарбия олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Сессия материалларини ўқувчилар онгига сингдиришда эҳтиёт бўлиш, уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш даркор. Қуруқ насиҳатбозлик ёки узундан узоқ маъруза қилиш ўқувчини зериктиради, энсасини қотиради. Умуман, муаллимлар шуни яхши билишлари лозимки, адабиёт дарслари хоҳ у матн билан ишлаш, хоҳ асар таҳлили бўлсин ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш воситаси эмас, балки ўқувчи руҳиятидаги энг яширин, мудроқ, ўзлик туйғуларини уйғотадиган машғулотлар бўлиши керак. Сессия материаллари ҳам шу мақсадлардан келиб чиқиб ўқувчилар қалбига, идрокига сингдирилиши мақсадга мувофиқ.

Сессияда ўртага ташланган масала — *"... мустақилликни сақлаш, биз учун муқаддас бўлган маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва шу тарзда яшаш ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш..."* ғоясини 5-синфда ўрганиладиган "Ал-Адаб ал Муфрад" (Имом Бухорий), "Тўмарис", "Широқ" афсоналари, "Маҳбуб ул-қулуб" (Алишер Навоий), "Юрт қайғуси" (Фитрат), "Ўзбегим" (Э.Воҳидов), "Ўзбекистон" (А.Орипов) асарлари мағзига сингдириб ўтиш мумкин.

(Давоми 3-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FANDA HAMKORLIK

Bryusselda bo'lib o'tgan NATO Ilmiy qo'mitasining yillik sessiyasi fan va texnika sohasida yangi siyosatni tasdiqlashga bag'ishlandi. Ushbu sessiyada respublikamizdan O'zbekiston Respublikasining NATO Ilmiy qo'mitasidagi vakili, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ilmiy-texnika taraqqiyotini muvofiqlashtirish kengashi qoshidagi Fan va texnologiyalar markazi direktori o'rinbosari Ali Oxunov ishtirok etdi.

HAR BIR OILAGA SHIFOKOR

Andijon Davlat tibbiyot institutida O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi bilan hamkorlikda o'tkazilgan oilaviy shifokorlar simpoziumida qo'shni Farg'ona, Namangan viloyatlaridagi shahar va tumanlar markaziy shifoxonalari bosh shifokorlari, soha mutaxassislari ishtirok etdilar.

Simpoziumda AQShdagi "Oilaviy shifokorlar assotsiatsiyasi" prezidenti Richard Roberts, "Zdrav PLYUS" dasturi rahbari Piter Kempbell, amerikalik oilaviy shifokorlar—Donald Svikert, Nensi Svikert, Tengiz Riznes va Lora Flokerlar oilaviy tibbiyot falsafasi, kunlik olib boriladigan faoliyatlari haqida batafsil ma'lumot berdilar.

Tadbir davomida AQShdan keltirilgan oilaviy shifokorlar amaliyotda qo'llayotgan dori-darmonlar taqdimoti ham bo'lib o'tdi.

«ODINA»NING OYDIN YO'LI

Shahrixondagi ko'p tarmoqli «Odina» firmasi qoshidagi o'quv ishlab chiqarish markazi kurslarini tugatgan tikuvchi-bichuvchi, oshpaz va oilaviy tibbiy hamshiralar mustaqil hayotga yo'llanma oldi.

Uch oy mobaynida tinglovchilar tajribali murabbiy va mutaxassislar yordamida o'zlari tanlagan ixtisosliklarini puxta o'rgandilar.

Firma yil boshidan buyon 150 million so'mlik mahsulot ishlab chiqardi. Barqaror daromad evaziga ikki qavatli ishlab chiqarish o'quv inshooti, ma'muriy-maishiy binolar bunyod etildi. Bundan tashqari, maktab va bolalar bog'chalariga 1 million 200 ming so'mlik yordam ko'rsatadi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ҲАВАСКОР ЎҚИТУВЧИ БЎЛМАЙДИ 2-бет

АТТЕСТАЦИЯ – КАСБ-МАҲОРАТ КЎРИГИ 3-бет

ЖОЙ НОМЛАРИГА ЯШИРИНГАН МАЪНО 4-бет

ДЎМБИРАНИНГ ДИЛБАР НАВОСИ 5-бет

ИНТЕГРАЦИОН ТАЪЛИМ: СОҒЛОМ ЖАМИЯТ САРИ 6-бет

БЎШ ВАҚТ ХУШ ВАҚТ БЎЛСИН! 6-бет

ОНА ТИЛИ ИМКОНИЯТЛАРИ *ундан ўқувчилар нечоғлик фойдалана биладилар?* 7-бет

ДЎСТЛИКНИНГ МЕҲРИ – ҲАЁТ ҚЎШИҒИ 8-бет

ТВ ДАСТУРЛАР 14-бет

Бундай рағбатлар ҳар ғорак якунида бўлса, ўқитувчилар ўртасида яхши маънода рақобат туғилади.

МАКТАБДАГИ 12 ЁШЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР

Аввалига мен ҳам 12 ёшли журналистлар ҳақида эшитиб, ажабландим.

Аммо, Юнусобод туманидаги 274-мактабга ташриф буюргач, 6 "В"-синфида "Журналистика" курси ўтилаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

— Синф ўқувчиларининг бир қанча шеър, мақолалари рўзномаларда суратлари билан чоп этилган. Тажриба сифатида шу синфни журналистлар синфи деб танлаб олдик. Мақсад — иқтидорлиларга эътиборни ошириш. Дарслик сифатида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети ўқитувчиларининг маърузалар тўпламидан, Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг "Сиз журналист бўлмоқчимисиз?" китобидан фойдаланяпмиз, — дейди шу синф раҳбари, журналистика курси ўқитувчиси Маҳмуда Валиева.

Дарҳақиқат, бўлажак журналистлар бугунги кунданоқ ўз вазифалари, бурч ва масъулиятларини англаб борсалар, эртанинг ҳақиқий эгалари бўлиб қоладилар.

Қолаверса, мактаб давридаёқ журналистик фаолият ҳақида тушунчалар бериб борилиши, бу соҳага "адашиб келиб қолувчилар"нинг учрамаслигига умид боғлашимиз учун ишончли далил бўла олар эди.

Дилдора ПЎЛАТОВА,
ЎзДЖТУнинг 1-босқич талабаси

КАТТАЛАРДЕК САХИЙ ЁШЛАР

"Бунёдкор" ёшлар телеклубининг "Sun shine" гуруҳи пойтахтимиздаги 21-меҳрибонлик уйида қизғин хайрия тадбирини ўтказди. Ҳали ўзлари ёш бўлатуриб, ўз тенгдошлари орасига бундай ташаббус билан кириб борган ушбу гуруҳ аъзолари ҳаракатидан ажабланмасангиз ҳам бўлади. Нега десангиз, бундай фазилатлар уларнинг қонида бор. Қонида борми, демак, ёшми-қарими, барибир ўша қадриятларга содиқ қолади.

Хуллас, айтиб ўтганимиз, клуб аъзолари ўз тенгдошлари орасига турли-туман ширинликлар, пишириқлар, мевалар билан кириб боришди. Турли хил ўйинлар, қўшиқлар, рақслар билан 300 нафар тенгдошлари ҳамда барча йиғилганларнинг кўнглини кўтарган "сахий аъзо"ларнинг ўзлари ҳам, "тилла топгандек" хурсанд бўлишди. Ҳатто, улар ушбу меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ичидан энг зийрак, ташкилотчи ва интилувчанларини ўз сафларига тортиб, клуб аъзолигига ҳам қабул қилишди.

Малоҳат ЭРХОНОВА,
"Бунёдкор" ёшлар телеклуби аъзоси



Ўқувчи дунёқарашининг шаклланишида бошланғич синфда олинган таълим-тарбия муҳим аҳамият касб этади. Зеро, у билимлар пойдевори. Худди шу боис ҳам пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 318-ихтисослашган боғча-мактаб мажмуасининг моҳир ўқитувчиси Моҳира Толипова илм даргоҳининг қутлуғ остонасини ҳатлаган кичкинтойларга билим беришдан кўра, уларнинг мантиқий фикрлаш, бирор мавзу юзасидан мулоҳаза юритиш, ўз мустақил фикрини ўстиришга алоҳида эътибор қаратган.

— Ўқувчининг мустақил фикрга эга бўлиши, — дейди мураббий, — унинг билим олишига, изланишига бўлган иштиёқини ҳам оширади.

Суратда: изланувчан ўқитувчи Моҳира Толипованинг дарс ўтиш жараёни акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ҲАВАСКОР ЎҚИТУВЧИ БЎЛМАЙДИ

Fikr, mulohaza, taklif

Давраларга кирамиз. Жонсарак, жонкуярлик билан гапираётган одамларни кўрсак, "Узр, ўқитувчи эмасмисиз?" дея сўраймиз. Чунки ҳар кишида ўз касбидан нимадир бўлади. Куюниб гапириш — кўпроқ устозлар, ўқитувчиларга хос.

Беруний тумани халқ таълими бўлимида бўлиб, устоз-мураббийлар билан суҳбатлашганимда хаёлимдан шу фикрлар ўтди.

Шоҳсанам ЖУМАНИЁЗОВА, туман ХТБ кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:

— Ўттиз йиллардан буён маориф соҳасида ишлайман. Ўзим рус филологияси қуллиётини битирганман. Эл-элат билан оғир-енгил кунларни бирга ўтказиб келаяпмиз. Баъзи даврларда ўқитувчи сўзи жаранглаб эшитилади, баъзи даврларда мундайроқ. Аммо ҳамма замонларда ҳам устоз-мураббийлар тарбиянинг бош бўғини ҳисобланган. Таълим-тарбия масканлари, ўқитиш усулларидаги замонавийлик, янгиликлар бир тараф, кадрларнинг шахси, маънавий дунёси ҳамиша бир тараф бўлиб тураверади. Шунинг учун ҳар янги ўқув йили бошланмасидан аввал, биз янги ишга келаётган ёш кадрлар билан махсус суҳбат ўтказамиз. Бугунги ўқувчидан талаб кечаги талабдан бутунлай фарқ қилишини суҳбат давомида тушунтиришга уринамиз. Чунки ҳаваскор шоир, ҳаваскор рассом бўлиши мумкин, аммо ҳаваскор ўқитувчи бўлмайди.

Бугуннинг ўқитувчиси фақат алифбо ўргатувчи ёки 40-45 дақиқа давомида ўз фанидан сабоқ бериб, синфхонадан чиқиб кетаверадиган зиёли эмас. У комил инсон тарбиясининг бир босқичидаги маънавий-маърифий юкни ўз гарданига олаётган масъул шахс. Шунинг учун ўқитувчи кадрларга алоҳида диққат билан қараймиз.

Кадрлар орасида олий ўқув юрти ё коллежда ўқиганда "З" баҳога ўзлаштирганлари ҳам бўлади. Қандай қилиб институт ёки педагогика коллежини "З" баҳога тугатган одам мактабда ўқитишга яроқли бўлсин? Унинг ўқувчиси неча баҳога ўзлаштиради кейин?

Ёки бошқа бир фикримни ўртоқлашсам...Ўқитувчи учун давлатимиз томонидан яхши имтиёзлар берилган. Бир зиёли олганчалик маош ҳам олади. Аммо шиддатли давр ҳар кишидан тадбиркорликни талаб этгандай, устоз-мураббийлардан ҳам тадбиркорлик талаб этилади. Бироқ, ўқитувчилик ҳам худди рассомлик ёки мусиқачиликка ўхшаб санъат даражасидаги касб. Пианиночи ёки мўйқалам устасининг бармоқларини авайлагандай устознинг ҳам юрагини авайлаш керак.

Демак, тадбиркор бўл, дея уни ерми ё қора меҳнатга солиш ё савдога йўллаш у қадар тўғри эмас. Ўқитувчи чинакам зиё кишиси бўлиши керак. У тафаккурни чархлайдиган юмуш билан машғул бўлиши зарур. Тирикчилик қулига айланмаслиги керак.

Бола ўз тарбиячисини ҳамиша озода кийинган, маънавий етук ҳолда кўриши шарт. Унинг қиёфаси ҳам тарбия.

Туманимиз кадрлари ҳақида ўйлаганимда, яна бир фикрни айтгим келди. Тарих, чет тили, кимё каби фанлардан ўқитувчиларга эҳтиёж бор. Биз олий ўқув юртлари билан алоқа ўрнатганмиз, сўровномалар юборганмиз. Аммо институт ва университетлар абитуриентларни қабул қилинаётганда қайси жойга қандай мутахассислар кераклигини ўрганиб чиқса, ёмон бўлмасди. Замон барча соҳада аниқ ҳисобкитобларни талаб этади. Токи бир жойда баъзи мутахассислар кўпайиб кетиб, бошқасида зарурат бўлмасин.

Биз кадрлар соҳасига алоҳида эътибор қилганимиз учун туманимизда кадрлар қўнимсизлиги 1997 йилга нисбатан 55 фоизга камайди. Ўқитувчининг меҳнати енгил эмас, қадри, ҳаёти ҳам меҳнатига лойиқ бўлсин. Бизнинг барча ўй-фикрларимиз шу мақсадга қаратилган.

Ҳайитгул ЯНГИБОЕВА, шу тумандаги Ғафур Ғулом номидаги 5-ўрта мактаб директори:

— Мактабимиз Навоий номидаги ширкат хўжалигида жойлашган. Бир пайтлар ҳашар йўли билан қурилган 340 нафар ўқувчига 42 нафар устозлар таълим беришади. Халқ таълимидаги янгиликларни тез қабул қилиб, тез ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз.

2-4-синфларимиз ўқувчилари таълим тайёргарлигини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтишган. Болалар балл тўплашга жуда қизиқишади. Бу тизим ҳамма ўқувчини ҳар доим назоратда ушлаб туришга ёрдам беради. Ҳар йили 4-5 ўқувчимиз олий ўқув юртларига киради, турли фан мусобақаларида туман миқёсида олдинги ўринларни оламиз.

Нима демоқчиман?

Оддий бир қишлоқ мактабида замон билан тенг қадам ташлашга шу қадар интилиш кучлики, агар имкониятларимиз кенгайса, натижалар яна ҳам яхши бўлиши мумкин. Умуман, ҳамма жойларда ҳам шаҳар мактабларига эътибор катта. Бу — табиий. Аммо кўп болаларимиз қишлоқда. Улар ўқиши керак, уларга яна ҳам яхшироқ шароит яратиш керак. Йўқса, қишлоқда болалар камроқ ўқиб, қолиб кетаверса, эртага мамлакатда яхлитлик бўлмайди. Кўпнинг ташвиши яна кимнинг елкасига тушиб, мувозанати бузилиши мумкин.

Яна бир мулоҳазам муаллимлар рағбати билан боғлиқ.

Тўғри, ўқитувчилар билимларига, тажрибасига қараб тоифаланади, мукофотлар олади. Аммо олий тоифали ўқитувчи маълум жойга келиб тўхтаб қолиши мумкин.

Муаллим мезони — ўқувчиси, унинг билими, ўзлаштириш даражаси. Шунинг учун фанлар бўйича чинакам аъло ўзлаштиришга эришган (аммо буни аниқлаш ниҳоятда ҳалол йўл билан бўлиши шарт) ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ҳақида ўйлаш керак. Бу ишни мактаб шароитида амалга ошириш ҳам мумкин. Аммо ҳозирча бизда бундай имкон йўқ. Демоқчиманки, бундай рағбатлар ҳар чорак якунида бўлса, ўқитувчилар ўртасида яхши маънода рақобат туғилади.

Албатта, бу истаклар фақат сўз билан эмас, маблағ билан боғлиқ. Аммо, болам ўқисин, эртага ким нима деса бош эгиб турадиган муте банда эмас, боши тик комил инсон бўлсин деган истак бўлса, бундай маблағларни топиш мумкин.

Муаллим кеча ҳам муаллим эди. Бугун ҳам у ўз ишини ҳалол уддалаяпти, эртага ҳам шундай бўлиб қолади.

... Мен устозларни тинглаб, уларнинг ўз ташвиш-қувончларидан баландроқ бир туйғулар билан яшаётганидан суюндим. Ахир, улар иккови ҳам она, бека, фарзандлари бор, аммо кечинмалари кўпнинг боласига даҳлдор. Устозлик қисмати шуда.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Япония ҳукуматининг техник ҳамкорлик дастури доирасида инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази томонидан ташкил этилган "Профессионал менежмент" дастури курси битирувчиларнинг 2-гуруҳига сертификатлар топширилди.

Қатъий танлов натижасида олий маълумотли, инглиз тилини яхшигина билувчи, қизиқарли бизнес ғояларга эга бўлган 22 нафар номзодлар бошқарувчиларнинг янги авлодини тайёрлайдиган пуллик курсларга қабул қилинган эди. Улар 20 ҳафта давомида маърузалар тинглаб, амалий машғулотлар ўтказишди.

— 13 та предметнинг 7 таси бўйича Японияда келган профессорлар ва етакчи эксперт-

лар машғулот олиб боришди.

Тингловчилар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бўйича аниқ мисолларда бизларнинг корхоналаримиз тажрибасини ўрганишга муваффақ бўлишди, —деди Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавата.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари Ҳасан Исломхўжаевнинг таъкидлашича, ўтиш даврини бошдан кечираётган республика учун бозор шароитларида ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасининг янги кадрлар билан тўлдирилиши хайрли иш бўлди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, барча фанлар улардан келажакда амалий фойдаланиш нуқтаи назаридан ўрганилди, битирувчиларнинг деярли ҳар бири аниқ ғоя бўйича ўз бизнес режаларини ишлаб чиқишди.

"Туркистон-пресс"

Ta'kid

АТТЕСТАЦИЯ – КАСБ-МАҲОРАТ КЎРИГИ

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида бугун амалга оширилаётган иккинчи босқич вазифалари қаторида таълим муассасаларининг давлат аттестациясини жорий этиш масаласи муҳим ўрин тутади. Зеро, мазкур аттестация жамиятимизнинг ижтимоий жабҳалари, бевосита таълим тизимида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланиш, ислоҳот ва илғор тажрибалар сифати, моҳияти ва кўламини баҳолашда кучли омил сифатида хизмат қилмоғи лозим.

Аттестацияга, ундан кўзланган мақсади ва моҳияти, амалга оширувчи органига қараб (белгиланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ аттестация маҳаллий ҳокимиятлар қошида ташкил этилган Таълим муассасалари давлат аттестация комиссиялари зиммасига юклатилган) давлат мақоми берилган.

Ҳозирда, мамлакатмизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида ушбу комиссиялар мунтазам равишда фаолият кўрсатмоқда. Улар таркиби жамоатчи экспертлар — мутасадди ходимлар, етук мутахассислар, илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ҳисобидан шакллантирилган. Айримларнинг фаолияти ҳақида мушатарийлар газета саҳифаларида ("Маърифат" 2002 йил, 20 апрель сони) танишиш имкониятига эга бўлганлар.

Сирасини айтганда, шу кунга қадар Давлат аттестация комиссиялари томонидан 3 мингга яқин таълим муассасалар аттестациядан ўтказилди ва бу иш айни кунда ҳалиям давом эттирилмоқда. Эндиликда уларнинг кун тартибида — халқ таълими тизимидаги барча турдаги таълим муассасалари (болалар боғчалари ва умумий ўрта таълим мактаблари, мактаб-интернат ва махсус мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар ва меҳрибонлик уйлари) педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш масаласи турибди. Албатта, бунга — таълим муассасалари раҳбарияти ва педагогик жамоалари, комиссия ва жамоатчи экспертлар пухта тайёргарлик кўришлари лозим.

Аттестация мазмуни — педагог кадрларнинг касб маҳорати, ўтказаётган таълим жараёни ва дарслар самарадорлиги, унинг пировард натижаси — ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва таълим сифати, уларнинг давлат таълим стандартларини билишлари ва таълим ислоҳотлари бориши ҳақида тушунчаларга эга эканлигини холисона баҳолашдан иборатдир.

Бунда ҳаммага иш топилади. Халқ таълими бўлимлари қошидаги методик кабинетлар: ўқитувчилар аттестацияга тайёргарлик кўриш мобайнида уларни зарурий методик адабиётлар билан таъминлашлари, муассаса раҳбари — педагогик кадрларга ўз устида ишлашга, малакасини оширишга имконият яратиб беришлари, аттестацияга тегишли расмий ҳужжатларни тайёрлашлари, фанлар бўйича услубий бирлашмалар — ҳар бир педагог ишини атрофлича ўрганиб, дарсларини кузатиб ва таҳлил қилиб, унда мавжуд касбий салоҳиятини аниқлашлари ва илғор тажрибани юзага чиқаришлари лозим.

Савол туғилади. Ўқитувчи-чи? Аввало, ўқитувчи ўз ишини астойдил бажариши, давлат ва жамият, ота-оналар ва ўқувчилар олдидаги масъулиятини тўлиқ ҳис этиб, замон талабига мос равишда дарс бериши лозим. Бугунги ўқитувчи бунёдкордир. Чунки, давлатимизнинг эртанги куни мактаб ўқувчиларидир! Бугун улар баён ва иншоларида келажакда ким бўлишлари ҳақида ўй-фикр юритишмоқда. Танлаган касбларига доир билимлар олишмоқда, ўз қобилиятларини намоён этишмоқда. Буларнинг айнан орзу қилганимиздек ўсиб-улғайишида, комил инсон бўлиб шаклланишида, барча-барчасида устозларининг меҳнати бор. Улар келажагимиз учун масъулдирлар. Шу боис, уларга қўйилган касбий талаблар ҳам юқори бўлади.

Таълим тизимида фидокорона ишлаб келаётган "ёрқин юлдуз" педагог кадрларни излаб топиш, улар тажрибасини оммалаштириш ҳам аттестация қирраларидан бири деб айтиш мумкин. Демак, аттестация таълимда юксалиш, такомиллаштириш омили сифатида хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, аттестация бу педагогик касб-маҳорат кўриги ҳамдир.

С.АБДУЛЛАЕВА,
жамоатчи эксперт

ОКТЯБРЬ ОЙИ ҒОЛИБЛАРИ

"Ma`rifat"нинг журналистик фаолиятига доир 5 та номинация бўйича ўтказиб келаётган ойлик танлови ўнинчи бор якунланди. Октябрь ойи давомида ушбу танлов учун махсус тайёрланган ижод намуналари мунтазам эълон қилиб борилди. Шу боис, ҳар бир номинация бўйича ғолибликка даъво қилувчи материлалар бисёр бўлди. Танловда қатнашган қуйидаги журналистик материаллар таҳлил гуруҳи томонидан ғолиб деб эътироф этилди:

Энг яхши саҳифа — Журналист Ҳусан Нишоновнинг 9 октябрь сонида эълон қилинган "Ароқ ичганмисиз?" сарлавҳали, мунозарабоп мулоҳазаларга йўғрилган саҳифаси.

Энг яхши мақола — Паркент тумани Халқ таълими бўлими ходими Абдузуҳур Қорабоев қаламига мансуб 26 октябрда чоп этилган "Ўқиганлар нимага эришаяпти?" деб номланган таҳлилий-танқидий мақоласи.

"Ma'rifat" tanlovi

Энг яхши интервью — Шуҳрат Рўзиевнинг 12 октябрь сонида "Профилактика инспектори учасковойдан тубдан фарқ қилади" сарлавҳаси остида берилган Республика ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А.Усмонов билан суҳбати.

Энг яхши янгилик — Дилдора Зувайтова тайёрлаган "Компьютер ўзбек тилида" сарлавҳали хабар (30 октябрь).

Танловимизнинг "Энг яхши фотосурат" номинацияси бу ойда "очиқ" қолди. Ғолиб бўлишга муносиб, жонли суратларнинг танловга юборилиши ўтган ойда бир оз сусайди.

Муштарийларимизнинг ҳам "юрагини жиз эттирган" материаллар бу гал ҳам холисона баҳосини олди. Умид қиламизки, ойлик танловимиз янада қизғин тус олаверади.

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси II чақириқ IX сессияси материалларини адабиёт дарслари мағзига сингдириб ўтиш усуллари хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

6-синфда ўрганиладиган О.Ёқубовнинг "Музқаймоқ" асарида ёлғон эътиқод туфайли бола руҳиятида рўй берган маънавий эврилиш, нотўғри эътиқод, кўр-кўрона ақидапарастлик дўстдан душман, ҳалол одамдан туҳматчи ясаши мумкинлигини таҳлил қилиш жараёнида *"... истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ эски қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб борилган"*-лиги таъкидланади. Шунингдек, Ў.Ҳошимовнинг "Урушнинг сўнгги қурбони" асарида қийинчилик инсон маънавиятини синовдан ўтказиш воситаси эканлиги, асл инсон ҳар қандай шароитда поклигича қолиши лозимлигини, Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" асаридаги Бўри полвоннинг ҳаққонийлиги ва ғуруруни ҳар бир ўқувчи мустақил фикр юритиш орқали кашф этади ва "Мен"ини англай боради, ўзи сезмаган ҳолда унда собит эътиқод, нафсоният, ғурур, шаён, ориятт, уят, масъуллик каби туйғулар мустаҳкамлана бошлайди.

7-синфда "Равшан" достони, Алишер Навоийнинг "Салотин бобида", Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён", Чўлпон шеърияти, Миртемир, Усмон Носир асарлари, Ш.Холмирзаевнинг "Ўзбеклар", Муҳаммад Алининг "Гумбаздаги нур", Шавкат Раҳмоннинг "Туркийлар" асарлари ўрганилганда миллий эрк, ғурур туйғуси, инсон қисмати, мардлик ва номардлик ўртасидаги тўқнашув, юрт озодлиги йўлида жон фидо этиш асл фарзандларга хос эканлиги таҳлил қилинар экан, сессия материалларида таъкидланган турли оқимлар асоратидан огоҳ бўлиш ғояси сингдирилади.

8-синфда "Кунтуғмиш" достони, унга хос жўмардлик, тантилик, ёвқурлик, жасурлик ва айни вақтда ошиқ, жангчи, ёр, ота сифатидаги хусусиятлари таҳлилида, Ойбекнинг "Навоий" романи, М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек", Усмон Носирнинг "Нил ва Рим", Х.Султоновнинг "Саодат соҳили" асарларини, 10-, 11-синфларда мумтоз ижодкорлар асарларини, XX асрнинг Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби забардаст адиблари ижодини ўрганиш жараёнида сессияда таъкидланган, *"...мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш..."* ҳақидаги фикрлар ўртага ташланиши, муҳокама қилиниши ва ўқувчиларнинг ҳар бирига ўз мулоҳазаси ва хулосасини айтишга имконият яратилиши лозим.

9-, 10-, 11-синф ўқувчиларида ёш хусусиятлари, билим даражалари ва физиологик жиҳатларига кўра фикр айтиш салоҳиятлари анча шаклланган бўлади. Шуни назарда тутиб, сессия материалларини адабиёт дарсларига сингдириб ўтиш билан бирга, синфдан ташқари тадбирларда, тарбиявий соатларда, атрофлича ўрганиб чиқилиши "Халқимизнинг асрий орзуси", "Мустақиллик менинг ва замондошим тақдирида", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Огоҳлик — давр талаби" мавзуларида кеча, эрталик, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказиш, "Ватан муқаддас даргоҳ", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" мавзуларида тарбиявий соатлар ташкил этиш ва мазкур машғулотларга меҳнат ва уруш фахрийларини таклиф этиш, уларнинг ҳаётий тажрибалари, меҳнатлари ва курашларини ўрганиш ўқувчиларда Ватан, халқ учун курашган фидойи инсонларга нисбатан ифтихор, шундай эзгу ишларга қатъий аҳд қилиш туйғулари уйғонади. Бундай машғулотлар мажбурлаш ёки малол келадиган тарзда эмас, қизиқарли усулларда: (интерфаол, ўйин-мусобақа, баҳс-мунозара ва ҳ.к.) халқимизнинг миллий қаҳрамонлари, шарқ фалсафасининг теран томирлари бўлмиш аждодлар фаолияти ва курашлари ҳақидаги ҳайратли воқеалар, ҳикоят ва ривоятлар восита сифатида ташкил этилса, ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда катта қизиқиш билан ишлашга, излаш, қидириш ва топиш ҳаракатига тушиб кетадилар.

Машғулотларда ўқувчига шундай имкон яратиш керакки, у ўзини бир дафъа улғайгандек ҳис этсин, келажакда ва ҳозирдан бошлабоқ ўзининг нималаргадир масъул эканлигини тушунсин. Шундагина ўқувчида ўзига ишонч туйғуси шаклланади, фикр айтиш журъати пайдо бўлади, асосийси, у эркинлик ва мустақиллик моҳиятини чуқур ҳис этади.

Юқори синф ўқувчилари учун машғулотларни:

1. Ўз уйингни ўзинг асра, деганда нимани тушунасиз?
2. Огоҳлик тинчлик ва фаровонликдир.
3. Эркинлик — ҳуқуқ, ижод ва моддий фаровонлик.
4. Кичик ва ўрта бизнес ривожини нима беради?
5. Адолат — қонун устуворлигида.
6. Кучли давлатдан кучли жамият сари боришда инсон омили.
7. Мен, оилам, халқим ва Ватаним.
8. Ватанни ҳимоя қилиш — шарафли бурчим,

сингари мавзуларда ташкил этиш мумкин.

Бундан ташқари, аждодларимиз фаолиятлари ва жасоратлари асосида "Яшашдан мақсад нима?", "Бадиий асарни ким қандай ўқийди?", "Эрк учун курашганлар" мавзуларида синфда ўқувчиларо, мактабда синфлараро "Энг яхши иншо", "Энг яхши расм", "Энг яхши реферат" мусобақаларини ўтказиш сессия материаллари ғоясини сингдириш билан бирга ўқувчиларни атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишга, ҳаёт воқеаларига огоҳ назар ташлашга ўргатади.

Н.ҒУЛОМОВА,
Ю.АМИРЖОНОВА

АҚШ, Франция, Канада, Нидерландия каби давлатлар билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, қўшма таълим муассасалари очилмоқда.

Anjuman

КУН ТАРТИБИДА: *ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК*

Халқаро доирада ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ўрни ва мавқеи бор. Пахта ишлаб чиқариш бўйича Хитой рўйхатнинг бошида турса, компьютер технологиялари бўйича Ҳиндистон биринчи ўринни забт этади. Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан аллақачон ўз ўрнини топиб олди. У ҳам пахта, олтин ишлаб чиқариш бобида олдинги ўринларни эгаллайди, —

деб ўз сўзини бошлади Тошкент Молия институти ректори, академик Мурод Шарифхўжаев "Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида" мавзусидаги анжуманни оча туриб.

Анжуман учун бу мавзунинг танланиши бежиз эмас. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ёзиб қўйилганидек, **"Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга".**

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари, хусусан, улардаги университет ва институтлар билан алоқасига йўл очиқ. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Анжумандаги асосий маърузани қилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг бош бошқармаси бошлиғи, институт "Макроиқтисодиёт кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидовнинг чиқишида ҳам бу фикр асослаб берилди. Чунончи, нотиқ таъкидладики, мустақиллик даврида Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг хорижий мамлакатлардаги таълим даргоҳлари билан ҳамкорлигига катта имкониятлар очилди. Буюк Британия билан ҳамкорликда халқаро Вестминстер университетининг очилиши ва 200 талабанинг катта танлов асосида қабул қилиниши, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошида эса Россия Плеханов академияси филиалининг ташкил қилиниши келгусида етук кадрлар тайёрланишига пойдевордир. Бундан ташқари, АҚШ, Франция, Канада, Нидерландия каби давлатлар билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, қўшма таълим муассасалари очилмоқда. "Устоз", "Умид" жамғармалари эса халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги бошқа имкониятлардир.

Анжуманга асосан талабалар таклиф қилинган эди. Улар халқаро иқтисодий, молиявий муносабатларни қанчалик даражада тушунишади? Ана шуниси муҳим. Агар ялпи мажлисда 10 та маъруза тингланган бўлса, шўъба йиғилишларида ҳам аҳамияти жиҳатидан улардан кам бўлмаган глобал муаммолар кўтарилди. Муҳими, илмий-амалий анжуман иштирокчиларнинг дунёқарашини маълум даражада оширди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

КЛИНИКАНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Tadbir

Америка Юристлар Ассоциацияси, Марказий Осиё ташаббус ҳуқуқ дастури ҳамда Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда очилган Инсон ҳуқуқлари клиникасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст ва Тошкент Давлат Юридик институти ректори, профессор Мирзаюсуф Рустамбоевлар иштирок этдилар. Мазкур клиниканинг мақсади талабаларга инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ҳимоя кўникмаларидан таълим беришдир. Ўз навбатида мазкур клиникада таълим олган талабалар Ўзбекистон фуқароларига инсон ҳуқуқлари бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатадилар. Институтнинг юқори курс талабалари малакали юристлар ва профессор-ўқитувчилари билан биргаликда инсон ҳуқуқлари бўйича фуқароларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берадилар ва ўзларининг ҳуқуқий маслаҳатларини аҳолининг кам таъминланган қатламларига етказадилар. Бундан ташқари мазкур клиника инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Жорий йилда 17 нафар талаба мазкур клиника дастури бўйича ўқишга қабул қилинадилар. Талабалар биринчи семестрда ҳуқуқий ҳимоя кўникмаларини эгаллайдилар ҳамда миллий ва халқаро талабларга мос ҳолда ўтиладиган тренингларда иштирок этадилар. 2003 йилнинг февраль ойидан талабалар фуқароларга муаммолар юзасидан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бера бошлайдилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

Amaliy mashg'ulotlar

ЖОЙ НОМЛАРИГА ЯШИРИНГАН МАЪНО

6-синфда она тили дарсларида топонимлардан фойдаланиш юзасидан мунозара-муҳокама дарс ишланмаси

Топонимлар — жой номлари. Ҳар бир жойнинг номланиш тарихи бор. Ҳар ким ҳам туғилиб ўсган қишлоғи, маҳалласи номининг келиб чиқиши, сабаби хусусида мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ қизиқади. Она тилидан "Атоқли отлар ва уларнинг имлоси", "Қўшма отлар", "Сўз ясалиши", "Товуш тушиши ва ортиши қонуниятлари" ўрганилганда топонимларга мурожаат қилиш самарали натижа беради. Шу боис мен ўз дарсларимда мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаман. Қуйида ушбу мавзуга бағишланган 6-синфдаги бир соатлик дарсимни ҳамкасбларим эътиборига ҳавола этмоқдаман.

I. Дарснинг таълимий мақсади: *ўқувчиларнинг она тилини ўрганишга бўлган иштиёқларини ошириш, ўрин- жой номларини ўргатиш орқали мустақил, эркин фикр юритишга ундаш, имло саводхонликларини мустаҳкамлаш.*

II. Дарснинг тарбиявий мақсади: *туғилиб ўсган қишлоғи, тумани номининг келиб чиқиши, тарихини ўргатиш билан ўқувчи-ёшлар шуурига миллий истиқлол ғояларини сингдириш.*

Дарс машғулотини ўқитувчи баҳсталаб, мунозарали саволни ўртага ташлашдан бошлайди.

Туманимиз нега Балиқчи деб номланади? У қандай маънога эга?

Ўқувчилар фикри, тушунчаси аниқланиб, ўқитувчи якуний хулоса, умумлаштирилган фикрни айтмай мавзуни эълон қилади. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, топонимларни қуйидаги йўналишлар бўйича ажратиш ва изоҳлаш мақсадга мувофиқдир:

— туман ҳудудидаги қишлоқларнинг номланиши;

— дарёлар, кўллар, сойлар номи;

— ҳовуз, қудуқ, экин майдонларининг номланиши;

— масжид, мозор, тепаликларнинг аталиши;

— маҳалла, гузар, кўча номларининг келиб чиқиш тарихи;

— қишлоқ фахри ҳисобланган бошқа нарсалар.

Ўқитувчи сўзи:

— Топонимлар узоқ даврнинг маҳсули бўлиб, улар замиридаги маъноларни англаб, билиб олиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Фарғона водийсидаги Андижон, Қўқон, Кува, Чуст шаҳарлари қадимги шаҳарлардан саналади. Энди туманимиз маркази ҳисобланган Балиқчи қишлоғи тарихига келсак, унинг тарихи минг йилга тенглашади. Номланиши сизлар айтган "Балиқ овчи" маъносида эмас, балки бу жойлар қадимда кўллар, дарёлар, булоқлар кўп бўлган қамиш тўқайзор ерлар бўлганлиги боис "Балиқчи" — "балиқ кўп жой", балиқлар шаҳри маъносида ҳам келади. Қадимги туркчада "Балх" сўзи "шаҳар" деб изоҳланади. Туронликлар Пекин шаҳрини Хонбалиқ (Хон шаҳри) деб юритишган.

Туманимиз ҳудудидаги Чинобод катта қишлоқ бўлиб, келувчилар "чиндан ҳам обод ер экан" деб эътироф этишган. Яна бу жой номлари изоҳида "Балиқчин", "Чинобод" — "Хитойлар шаҳри", "чинликлар обод қилган" жой деб изоҳланадиган қарашлар ҳам мавжуд.

Биз яшаб турган жойлар ва унинг атрофлари ўзлаштирила бошланганига 400-500 йиллар чамаси вақт бўлган. Фикримизни жой номлари тасдиқлайди. Эски Ҳаққулобод, Насриддинобод, Ўрмонбек қишлоқлари тарихий шахслар номига қўйилган. Ҳаққулобод шаҳри, эски Ҳаққулобод қишлоғи юз уруғидан чиққан Олимхон, Умархон каби Қўқон хонлари давлатида мингбоши бўлган шахс номи билан юритилади. Бу тарихда 1800 йилларга тўғри келади. Насриддинбек ва Ўрмонбек Худоёрхоннинг фарзандлари эди. Халқ улар шарафига тўқай, ботқоқ ерларни ўзлаштирган.

Биз яшаб турган Хўжаобод қишлоғини Қўқон хонлиги марказидан кўчиб келган хўжалар обод қилишган экан, деб эслашади кексаларимиз. Атрофимиздаги Олимбек, Шераличек, Маллачек номи билан юритилувчи қишлоқлар эса турли йилларда Қўқон хони бўлган шахслар номига обод қилинган.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга юзланиб, тумандаги Аълам, Саримсоқ, Қўрғонча, Орқановул каби қишлоқларнинг номини изоҳлашни сўрайди. Улар берган жавоблар жамланади. Аълам — "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ўрнидаги қишлоқ. Маллахон ва Худоёрхон хонлигида расмий-диний мансабдор, уламо Мулла Хўжамқул Аълам номи билан боғлиқ. У ўзига тегишли бўлган ерни хизматкорларини юбориб, ўзлаштирган ва "Аъламнинг қишлоғи" дея аталган. Демак, сизлар айтган "алам ўтган" маъносида эмас экан. Арабчада "алам" — "байроқ", "Аълам" — Ислом дини ва шарият билимдони деган маъносини англатади. Афсуски, ҳозир бу сўз талаффузда бузилиб "Аъламнинг қишлоғи" маъносида бўлмай, "байроқ" маъносида айтиб келинмоқда.

Сирмоқ — бу қишлоқ Сирдарёнинг ирмоғи бўйига жойлашган. Сирдарё "Сир" номи билан ҳам аталади. Сирдарёнинг ирмоғи бўйидаги қишлоқ — Сирирмоқ — сирмоқ кўринишида талаффузда ўзгаришга учраганидан товуш тушиши натижасида ҳосил бўлганлиги маълум бўлиб қолди. Қўрғонча — кичик қўрғон "жой" деган маънони билдириб турибди.

Хўжаобод қишлоғи эса Қорадарё ва Қолғандарё оралиғига жойлашган. Қолғандарё асли катта дарё бўлиб, ҳозирги Қорадарё 100-120 йиллар илгари катта ариқ бўлган экан. Дарё кейинчалик ўз ўзанини ўзгартирган. Қолғандарё атрофида эса эски дарё ўзанини кузатиш мумкин. Қишлоғимиз маркази аввалари обод гузар бўлган экан. Бу юртимиз мустақилликка эришгани туфайли тадбиркорлар ҳаракати билан яна тикланмоқда.

40-мактаб жойлашган ҳудуд Қўрғонча маҳалласидан кейинги пахтазор ерлар "Воҳим" деб юритилади. Аслида бу ерлар ўтмишда қишлоқ марказидаги масжид ва мактаб учун ажратилган, солиқ олинмайдиган "вақф" ерлари ҳисобланган.

Лекин даланинг "Воҳим" дея номланиши сиз тахмин қилгандек "ваҳима" сўзидан келиб чиқмаган.

Қишлоқ марказидаги минорали масжидни 1930 йиллар бошида бузиб юборилганлигини кексалар эслашади. Иккинчи эътиборга лойиқ, фахрланишга арзигулик ёдгорлик ҳисобланган Қорадарё бўйидаги ёши тахминан 200 йилдан ортиқ бўлган баландлиги 45, 50 метрлар чамасидаги танаси 4, 5 қулоч келадиган улкан чинор дарахтидир. Бу дарахт давлат муҳофазасига олинган. Бундан ташқари яна уч жойда жуфт-жуфт бўлиб ўсган 150 ёшлардаги чинорлар қишлоғимизга кўрк бағишлаб турибди.

Она тили дарсларида жой номларини ўргатиш орқали болаларни киндик қони тўкилган замин она Ватан эканлигини, ўз тарихини билиш, саводхон, маданиятли киши учун зарур эканлиги тушунтириб борилади. Мавзу аввалдан эълон қилинганлиги учун ўқувчи ота-онаси ҳамда кексалардан сўраб-суриштиради. Мустақил изланади, ижодий фикрлайди.

Жой номларини дарс мавзулари билан боғлаб ўргатиш ёшларни халқимиз ва Ватанимиз тарихи, географияси, этнографияси — урф-одатлари, бой маданиятимиз юзасидан изланишлар олиб боришга имконият беради.

Искандар АСҚАРОВ,
Балиқчи туманидаги 44-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

ДЎМБИРАНИНГ ДИЛБАР НАВОСИ

Mehmonxona

Бахшичилик — халқимизнинг кўҳна, қадим санъатларидан бири. Буюк истиқлолимиз шарофати билан бахшичилик санъатимиз янада ўсди ва қайтадан ривожланди.

"Маърифат"нинг бугунги меҳмони — Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги Бобур номидаги ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими, Қашқадарё вилояти Бахши шоирлар уюшмасининг президенти, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси — Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли бўладилар.

Халқимиз Қаҳҳор бахшини ўзи яратган "Темур ва Боязид", "Самарқанд таровати", "Истиқлол", "Бахши", "Қўнғирот" ва машҳур туркман шоири Махтумқулига атаб битган "Туркман даҳоси" ҳамда эл ичида машҳур бўлиб кетган 50 дан ошиқ термалари орқали жуда яхши билади.

— Қаҳҳор ака, меҳмонхонамиз анъаналарига кўра, энг аввало, болалик йилларингизу устоз муаллимларингиз ҳақидаги хотираларингиздан гапириб беришингизга тўғри келади. Қани, энди дўмбирангизни қўлга олингу суҳбатни бошланг.

— Инсон умрининг энг ширин, энг хотираларга бой онлари унинг болалик йиллари бўлар экан. Болалик онларингнинг қанчалар беғубор эканлигини фақат улғайганингдан сўнггина билиб қолар экансан, киши. Кўпинча уйимизнинг ёнгинасидаги кенгликка чиқаман-да, дўмбирамни "тиринг-тиринг" қилганча ортда қолган ўша ширин болалик онларимни эслаб ўтираман. Рости, мен болалигимни жуда-жуда соғинаман...

Сизга айтар бўлсам, мен 1958 йилда мана шу маконда, яъни Деҳқонобод туманига қарашли Хўжа Маҳмуд қишлоғида туғилган эканман. Яна қаерда денг? Қўнғирот ўтовида. Раҳматлик отам Қодир бахши Раҳим бахши ўғли менга исм қўйиб бериш учун қишлоғимиз муллаларини чақирибди. Улар менга исм танлашаётганда отам "Боболарининг бахшичилик санъатини давом эттирадиган эл таниган бахши бўлсин!" дея қулоқларим остида дўмбира чалиб турган экан, денг. Қизиқ, мен йиғласам, отам бешигим тепасида дўмбира чалиб мени ухлатар эканлар. Хуллас, чақалоқлик йилларим ҳам, сўнг болалик йилларим ҳам дўмбиранинг дилбар навосию бахши хониши остида ўтган.

Қишлоғимиздаги қадрдон илм маскани, Бобур номидаги мактабда ўқиб улғайдим. Менинг қўлларимга илк бор қалам тутқазган муаллимим Эшмамат Менглиқулов бўладилар. Эшмамат бобо ҳозир нафақадалар. Мен бу инсонни жуда-жуда ҳурмат қиламан. У кишига атаб айтган термаларим ҳам бор. Устозим камтарин ва содда инсон. Мен ҳамма муаллимларнинг Эшмамат домладек фидойи инсон бўлишларини истайман...

— Қаҳҳор ака, отангиз Қодир бахши ҳақида кўп маротаба эшитганимиз бор. У киши ижро этган достонлару термаларни ҳам эшитганмиз. Гап шундаки, бахшичилик бобида сизга отангиз устоз ҳисобланади. Шундайми?

— Худди шундай.

— Устозингиз, отангиз ҳақида гапирсангиз.

— Отам ва бахшичилик бобидаги яккаю ягона устозим Қодир бахши, тан олиш жоизки, Аллоҳ алоҳида иқтидор бахш этган етук бахши ва ҳозиржавоб шоир эдилар. У киши бахшичилик санъатини отаси Раҳим бахши Жаббор бахши ўғлидан ўрганган эканлар. Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиб кетайинки, ота авлодим бўйича етти бобом бахши ўтган. Она авлодим бўйича айтсам, тоғаларим ҳам бахши.

Отам Қодир бахши Раҳим бахши ўғлида бахшичилик учун энг муҳим талаб ҳисобланмиш соз ва овоз уйғунлиги ўта кучли эди. Отамда ёд олиш қобилияти ҳам жуда кучли эди. Биласизми, у киши 70 га яқин достонни ёд биларди. Шундан "Ойчинор", "Жорхун", "Ойпарча", "Малла Савдогар", "Келиной", "Гули Санобар", "Эшқара билан Дўстқара", "Оти бахт полвон" достонларини ўзлари яратган эдилар.

Қиш пайтларининг бирида отам сандал четида ўтириб олганча, "Келиной" достонидан айтганларини эслайман.

Отам жуда кўп терма билардилар. Уларнинг кўпчилиги хандаю ҳазил-ҳузулга йўғрилган бўларди. Термалари орасида даврабоплари ҳам бир талай эди. Бу термалар ижро этилганда қизу янгалар, ҳатто момолару боболар ўйинга тушиб кетишарди...

Рости, мен отамдек дўмбира чертадиган бахшиларни жуда кам кўрдим. Отам куй орасида ўрнини топиб, ранг-баранг нағмаларни ишлатарди. Ўзлари ҳам дўмбира билан кўп ишларди. Отам дўмбирада 50 га яқин нағма яратганди. Ана ўша нағмалардан 30 га яқинини ўрганиб қолганман, холос.

Менинг бахши бўлиб етишишимда отамнинг беқиёс катта меҳнатлари бор. Деярли ҳамма нарсани отамдан ўрганганман. Фақат дўмбира чалишу бахшичиликни эмас, от минишни ҳам, қўй боқишни ҳам, керак бўлса меҳмон кутишни ҳам, тўй ва базмларни ўтказишни ҳам — ҳамма-ҳаммасини отамдан ўрганганман.

— Қаҳҳор ака, газетхонларимиз ўзингизнинг ижодингиз, бахшичилик бобидаги ишларингиз билан ҳам жуда-жуда қизиқишади.

— Олдимга қўйган биринчи вазифам, отамнинг ниҳоясига етмай қолган достонларини ёзиб битириш, якунланган ишларини чоп эттиришдир. Худога шукр, бу ишларни бирин-кетин амалга ошириб бораяпман. Бир нарсадан мен жуда бахтиёрманки, отамнинг барча китоблари, қанчалаб битиклари ҳаммаси менга мерос қолди. Шу боисдан ҳам менда жуда катта манба бор.

Ҳозиргача 50 га яқин достонни ёд олдим. Ўзим ҳам 7-8 та достон, 50 га яқин терма яратдим.

Мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс бераман, туман марказида ташкил этилган бахшичилик тўгарагини бошқараман. Шогирдларим жуда кўп. Ўзим устозлик қилган 2 нафар укаларим Абдумурод ва Баҳромлар айни кунда бахшичилик бобида эл оғзига тушишди. Шогирдларимдан Муҳаммад бахши, Мусурмон бахши, Жавлон бахшилар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида танилиб қолган бахшилардан ҳисобланишади.

Ёзиб тугатилган нарсаларим анчагина. Уларни чоп эттиришим керак. Мана яқиндагина Қаршининг "Насаф" нашриётида бирадўла 2 та — "Ёдгор" ва "Аҳмад Яссавий" достонларимни чоп эттирдим. Нима десам экан, орзуларим кўп. Мени вояга етказган, элга танитган жонажон Ватанимга, юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигида менга "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" унвонини берган муҳтарам Президентимизга умримнинг сўнгги сонияларигача хизмат қилсам дейман...

— Қаҳҳор ака, сизнинг ижодингизда "Қўнғирот" мавзуси кўпроқдай. Бу ҳолатни ўзингиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Тўғри. Дарҳақиқат, ёзганларимда ҳам, айтганларимда ҳам "Қўнғирот" мавзуси катта қисмни ташкил этади. Аввалам-бор, мен ўзбекнинг қўнғирот уруғиданман. Қўнғирот қариндошларимга ўзимни янаям яқинроқ таништирсам, "Қўштамғали"нинг "Тилавмат" деб аталмиш шахобчасиданман. Яна битта гап. Халқ бахшичилиги кўпроқ бизнинг Қўнғиротимизга дахлдорроқдай. Сизга яна битта гап айтсам, бахшини энг яхши эшитадиган халқ ҳам қўнғиротлар бўлса керак. Умуман олганда, бахшичилик қўнғиротларнинг қон-қонига сингиб кетган. Уларнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам, момоси ҳам, бобоси ҳам бахшини эшитади.

Бу гапларим ярим ҳазил, ярим чин гаплар. Аслида бахшини барча миллат аҳли эшитишини мен ўз ижроим мисолида билдим. Эшитинг, мустақиллик шарофати билан мен Озарбойжон, Россия, Канада, Ирландия ва Америка мамлакатларида бўлдим. Ана шу мамлакатларда ўзбек бахшичилигини намойиш қилдим. Қаерда бўлмай, санъат ишқибозлари мени зўр олқишлар билан тинглашди. Айниқса, Америкада концертларимиздан сўнг тумонат одамлар мени ўраб олишди. Улар дўмбиранинг дилбар навоси ўзларига жуда маъқул бўлганлигини айтишди...

Яна "Қўнғирот" мавзусига қайтадиган бўлсак, "Алпомиш" қўнғиротларнинг типик образи. Сизга айтсам, бизнинг Деҳқонободда ҳам Алпомишчалик бўлмаса ҳам, бундайроқ қўнғиротлар ҳозир ҳам топилади. Улар ҳақида айтмай бўладими! "Қўнғиротим туғма ботирим, Ҳар жигити мингга татирим..."

— Оилангиз, бола-чақаларингиз ва турмуш тарзингиз ҳақида ҳам билсак?

— Қишлоқда яшаймиз. Чечангиз уй-рўзғор ишлари билан банд. 3 нафар қизимиз ва яна 3 нафар ўғлимиз бор. Болаларимиз ҳали ёш. Уларга ҳам бахшичиликни ўргатаяпман. Оила юритишдаги қўшимча воситаларимизга келсак, деҳқончилик билан шуғулланамиз. Асосан лалми майдонда қовун-тарвуз етиштирамиз. Қўйэчки боқамиз.

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, тўйларга санъаткор сифатида таклиф қилиб туришадими?

— Албатта, тўй мавсуми бошланди дегунча узоқяқиндан ишқибозларимиз келишиб, тўйларини ўтказиб беришимизни илтимос қилишади. Укаларим, шогирдларим билан бирга бориб, қадрдонларнинг тўй ва яхши кунларини ўтказиб берамиз.

— Қаҳҳор ака, қайси санъаткорларимизнинг қўшиқларини эшитишни хуш кўрасиз? Қандай китоблар ўқийсиз?

— Асосан отам Қодир бахшини, Эргаш Жуманбулбулни, укам Баҳром бахши Қодир бахши ўғлининг айтганларини эшитаман. Булардан ташқари, ўзбек мумтоз қўшиқларини, Комилжон Отаниёзов ва Маъмуржон Узоқов ижро этган ашулаларни жон-жон деб эшитаман. Бўш пайтларимда достон китобларни мутолаа қиламан, Абдулла Қодирий асарларини қайта-қайта ўқийман. Газета-журнал ўқиб ўтиришни ёқтираман.

— Суҳбатимиз сўнгида "Маърифат" газетаси муштарийларига ҳам тилакларингиз?..

— Шахсан ўзим "Маърифат"ни мунтазам ўқиб бораман. Таълим тизимимиздаги янгиликлар, илғор педагогик технология ва ўзим учун керакли деб ҳисоблаган услубий мазмундаги мақолаларни тўплаб бораман. Бир сўз билан айтганда, ўзим "Маърифат"нинг кўп йиллик муштарийсиман.

Касбдошларимга нима десам экан, "маърифат"чилар омон бўлишсин. Мудом илм томон бўлишсин. Чарчашмасин, толишмасин. Элдан ортда қолишмасин!

Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди.

Интеграцион, инклюзив таълим жорий этилган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур тизимда иккала томон — алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳам, соғлом болалар ҳам ўзаро манфаатдор бўладилар.

Maxsus ta'lim

ИНТЕГРАЦИОН ТАЪЛИМ: СОҒЛОМ ЖАМИЯТ САРИ

Ўтган 2001 йилнинг ноябрь ойида Хўжаобод туманида бир савоб ишга қўл урилди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан халқ таълими бўлими қошида ногирон болалар маркази ташкил этилди. Хўш, бу марказни ташкил этишдан кўзланган мақсад нима эди?

Маълумки, 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"да инсоннинг жамики ҳуқуқлари белгиланган. Уларнинг қобилият ва жисмоний ҳолатидан қатъи назар, таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги мазкур ҳужжатда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Хўжаободдаги ногирон болалар маркази ҳам худди шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Туман ҳудудида 300 дан зиёд турли ёшдаги ногирон болалар бор. Уларни соғлом жамият сари йўналтириш, билим ва касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, дили ўксик қалбларнинг соғлом инсонлар қаторидан жой олишларига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган мазкур марказнинг бир йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, ана шундай масканлар ниҳоятда зарур, деган хулосага келдик.

Бу ерда айни пайтда 10 дан ортиқ турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ота-онаси ёки бирон яқин кишиси ёрдамида марказга келган ногирон болалар шифокор назоратида ҳафтада бир ёки икки кун давомида ҳунар ўрганмоқдалар. Дурадгорлик, тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик ҳунарларидан ташқари болалар компьютер билан ҳам танишмоқдалар.

— Марказ фаолиятидан нафақат ногирон болалар, айниқса уларнинг ота-оналари жуда мамнун бўлмоқдалар, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тожиддинов. — Ногирон болалар маркази туман халқ таълими бўлими ташхис марказининг доимий назоратида. Мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракати билан ногирон болаларнинг соғлом жамият сари интилиши, касб-ҳунар эгаллашга бўлган қизиқиши кучаймоқда. Энг асосий мақсадимиз, ногирон болаларнинг соғлом болалар билан интеграциялашувини амалга оширишдан иборат.

Интеграцион, инклюзив таълим жорий этилган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур тизимда иккала томон — алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳам, соғлом болалар ҳам ўзаро манфаатдор бўладилар. Нуқсонли болалар умумтаълим мактабларида ўқир эканлар, ўзларини камситилган ҳолда ҳис қилмайдилар. Аксинча, шу жамоанинг тўлақонли аъзоси эканликларини англайдилар. Оқибатда ўз-ўзини ҳурмат қилишлари, яшашга бўлган умидлари, ишончлари ортади. Соғлом болалар эса жамият турли тушунчалар, турли дунёқарашдаги инсонлардан иборат эканлигига кўникадилар, муҳтож дўстларига ёрдам бера олаётганликларидан мамнунлик туйғусини ҳис этадилар. Айни пайтда Андижон вилоятида 6 мингдан зиёд ногирон ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар аниқланган. Улар учун вилоятда 14-махсус таълим муассасаси ташкил этилган. Мактабгача ёшдаги болалар учун 18 та болалар боғчалари мавжуд. Мазкур муассасаларда 3420 нафар болалар таълим-тарбия олмоқда. Шунингдек, 600 дан зиёдроқ ногирон болалар уй шароитида якка тартибда парвариш қилиниб, мактабга тайёрланмоқда. Ногиронлар таълими бўйича мамлакатимизда катта тажриба мактаби яратилган. Вилоятда ҳам мазкур таълим жонкуярлари кўпчиликни ташкил этади. Заиф эшитувчилар махсус мактаб-интернати сурдопедагоги, 2-синф "Талаффуз" дарслигининг муаллифи Ҳабибулла Розиқов ана шундай инсонлардан бири.

Маълумки, интеграцион таълим мамлакатимизда ҳали у қадар такомиллашгани йўқ. Бир қатор ривожланган хорижий давлатларда интеграцион таълим яхлит тизимга айланиб улгурган. "Таълим тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, нуқсонли болалар фақатгина ота-оналари ёки бирор яқинларининг розилиги билангина махсус таълимга ўтказилади. Шу туфайли ҳамда дунё тажрибасида акс этган яхши ният боис, вилоятда 2 минг нафар нуқсонли бола умумтаълим мактабларида соғлом тенгдошлари билан бирга таълим олмоқда.

Вилоятда интеграцион таълим соҳасини ўрганиш жараёнида бу борада бир қатор муаммолар ҳам борлигини кузатдик. Интеграцион таълимнинг туб мазмуни ва мақсадини тўлақонли рўёбга чиқариш осон кечмайди, албатта. Соҳада баъзи ташкилий ишларни амалга ошириш керак. Булардан бири педагог ходимларни алоҳида методика билан қуроллантириш зарурияти. Дейлик, соғлом болалар билан бир синфда, бир партада ёнма-ён ўтирган ногирон бола дўстларидан мунтазам ёрдам олиб туради. Лекин ўқитувчи боланинг интеллектуал даражаси ёки жисмоний нуқсонидан келиб чиққан ҳолда билим беришга алоҳида тайёргарлик кўриши шарт бўлади. Шу боис республикамиздаги барча педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида махсус курслар ўқув дастурига киритилиши лозим.

Муассасаларда ногирон болаларнинг ҳаракатланиши учун махсус мосламалар яратиш устида бош қотириш зарур. Масалан, церебрал фалаж ёки ҳаракати чекланган, аравачалардан фойдаланадиган болаларнинг бинодаги 3-4-қаватларига кўтарилишини тасаввур қилса бўлади. Сколиоз, энурез, энконрез касалликлари билан касалланган болаларнинг дарслар давомида мактабда бўлиши маълум муаммоларни туғдиради. Туғма юрак хасталиги, эпилепсия билан касалланган болалар мунтазам тиббий ходим назоратида бўлиши керак. Хуллас, Андижонда интеграцион таълимни янада ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишлар силсиласида эса ногирон, кўнгли ярим, ўзгалар ёрдамига муҳтож болалар соғлом тенгдошлари сафидан ўрин олиб, жамият учун керакли шахсларга айланмоқда. Буни эса ҳақиқий савоб иш деса бўлади.

О.СИДДИҚОВ,
махсус мухбиримиз

БЎШ ВАҚТ ХУШ ВАҚТ БЎЛСИН

Bolalar ijodiyoti markazlarida

Ёшларнинг келажакда қайси касб эгаси бўлиши уларнинг болаликдаги қизиқишлари билан бевосита боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бугунги кун ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларини қандай ўтказаётганлиги билан қизиқдик. Самарқанд шаҳридаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида турли йўналишлар бўйича 49 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Бу тўгаракларга 3012 нафар ўқувчи қамраб олинган. Бундан ташқари, вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги 21 та болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказларидаги турли тўгаракларга 28 минг 808 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тўгараклардаги машғулотлар асосан болалар қизиқишини янада ривожлантириш ва ижодкорлигини рағбатлантиришга қаратилган. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи тўгарак режасига биноан турли танловларда, кўргазмаларда иштирок этади.

Мисол учун зардўзлик, кулолчилик, тўқиш, юмшоқ ўйинчоқлар ва миллий қўғирчоқлар тикиш, тасвирий санъат, тикиш ва моделлаштириш тўгаракларига қиз болалар қатнашиб, бу ерда халқ амалий санъати сирларидан хабардор бўлиш билан биргаликда ҳунар ҳам эгалламоқдалар.

Вилоят бадиий амалий тарбия маркази мудираси Гулзода Суярова бизни зардўзлик тўгараги аъзолари бажараётган ишлар билан таништирди. Тўгарак раҳбари Мавлуда Исломова турли ёшдаги қизларга зардўзлик ва унинг сирлари ҳақида сабоқ бераётган экан. Бу ерга икки йилдан буён қатнашаётган ўқувчиларнинг мустақил равишда буюмларга бежирим нақшлар тикаётганлигини кўриб хурсанд бўлдик.

— Бугунги кунда зардўзлик санъатига қизиқиш ортиб бормоқда, бироқ тикув дастгоҳларининг камлиги боис 52 нафар ўқувчи тўгарагимизга қатнашади, — дейди Мавлуда опа.

— Ўз меҳнатининг маҳсулини кўриш, яратувчанлик ҳисси ҳар қандай кишини руҳлантириши табиий. Ота-оналар дастлаб фарзандлари тўгаракка аъзо бўлганларида унчалик ҳам эътибор бермайдилар. Баъзилари эса ортиқча ташвиш деб қарайдилар. Бироқ, вақт ўтиб фарзандлари ясаган буюмни кўрганларидан сўнг уларга эътибор бера бошлайдилар.

Марказнинг миллий ўйинчоқлар тикиш тўгарагига Нина Сулейманова раҳбарлик қилади. У ўқувчилик йилларида шу тўгарак аъзоси бўлган. Бугунги кунда Н.Сулейманованинг ўзи ясаган миллий қўғирчоқлари кўргазмаларда алоҳида эътиборга лойиқ бўлмоқда. Ўтган йили у "СОРОС" жамғармасининг грантини олишга муваффақ бўлди. Бу йил эса Францияда ясаган қўғирчоқларининг кўргазмасини ташкил этмоқда. Нина Сулейманова раҳбарлик қилаётган тўгаракнинг 65 нафар аъзоси ҳам ўзлари учун севимли бўлган ўйинчоқларни ясашни ўрганмоқдалар.

Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказидаги барча тўгараклар ичида миллий ва замонавий рақс тўгараги энг гавжум тўгараклардан биридир. Негадир кейинги пайтларда унга қатнашиш истагини билдираётган ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, миллий чолғу асбоблари, театр тўгаракларига ҳам болалар ўртасида қизиқиш катта.

Биз болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида тўгарак иштирокчилари учун яратилган қулайликлар, ранг-баранг кўргазмаларни кўриб, ҳар бир ўқувчини мана шундай тўгаракларга жалб этиш болаларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ўтказишларида кони фойда эканлигига амин бўлдик.

Айниқса, марказдаги гулчилик, аквариум балиқчилиги, экология тўгараклари аъзолари томонидан парваришланаётган турли манзарали гуллар, кактуслар, кўпайтирилаётган балиқлар бу ерга келувчи ҳар бир ўқувчи қалбида табиат ажойиботларига нисбатан меҳр уйғотиши шубҳасиз. Чунки бу тўгарак аъзолари ҳам амалий, ҳам назарий билимларга эга бўлмоқдалар.

Афсуски, бундай марказлар орқали вилоятдаги ўқувчиларни 10-15 фоизинигина қамраб олиш мумкин, қолган ўқувчиларчи? деган савол туғилади. Фикримча, шаҳардан, туман марказларидан олисда жойлашган мактабларнинг ўзида худди шундай тўгараклар ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мактабларда ҳам тўгараклар мавжуд, бироқ уларнинг кўпчилиги фақат фан ўқитувчилари зиммасига юклатилган.

Тўгаракка раҳбарлик қилаётган кишининг ўзи ижодкор, изланувчан бўлса, бошқаларни ҳам шу соҳага қизиқишини ошира олади. Шунинг учун тўгарак раҳбарлигига қишлоқдаги уста чеварлар, дурадгорлар, наққошлар, рассомлар сингари ўз меҳнати билан обрў қозонган кишиларни жалб этиш кўпроқ самара беради, деб ўйлайман. Асосийси, болаларнинг бўш вақти хуш вақт бўлсин.

Н.ШЕРБОЕВА,
махсус мухбиримиз

Аммо, унутмаслик керакки, болаларнинг жамият орасида яшаш кўникмалари айнан мана шу бошланғич синфларда шаклланади. Жамиятдаги бўлғуси лидер ва тобелар кўпинча мана шу ёшда тетапоя қилади.

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

5-мақола

ШАКЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ШАХС

Боланинг ўсиши ўта жиддий диалектик жараён бўлиб, у ўз ўрнида алоҳида босқичларга бўлинган бўлади. Аммо, биз, тарбиячилар айнан мана шу босқичлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўпинча тарбия бериш жараёнида инобатга олавермаймиз.

Мана, кечагина ҳамма нарсани "бу нима?", "у нима?", деб сўрайверадиган бижилдоқ болажонимиз бугун анча босилиб, ўзи учун ўта катта қадам бўлган, агар боғчага бормаган бўлса, илк расмий жамоа бўлмиш мактабга отланаяпти.

Шу жойда табиатан инсон ҳаётининг ўсиш жараёни босқичларга бўлинганига мисол келтириб ўтайлик. Ўғил болаларнинг ўртача бўйи 1 ёшда 70-74 см. бўлади. 4-5 ёшгача улар кескин ўсиб бориб, бўйлари 98-100 см.га етади. Аммо 5-6 ёш ўртасида бўй ўсиш жараёни бироз пасаяди, то 10-11 ёшгача яна кескин ўсади-да 130-134 см.га етади ва 11 ёшдан 12 ёшгача ўғил болаларнинг бўй ўсиши яна сустлашади. 12 ёшдан 14 ёшгача ва 14 ёшдан 17 ёшгача яна тезлик билан ўса бошлайди.

Шу жойда айтиб ўтиш керакки, қиз болалар бўйининг ўсиши ўғил болаларникидай 1 ёшдан 10 ёшгача салкам бир хилда борса, 10 ёшдан 14 ёшгача қизларнинг бўйи ўсишда илгарилаб кетади. Аммо 14 ёшдан кейин қиз болаларнинг ўсиши ўғил болаларникига қараганда кескин сусаяди.

Бу табиий фарқ қиз болалар ва ўғил болалар орасида нафақат бўй ўсишида, балки бошқа жисмоний ўзгаришлар билан ҳам белгиланади. Аммо тарбиячилар кўп ҳолларда бу фарқларга жиддий эътибор бермайдилар.

6 ёшли болаларда асабий жараён шакллана бошлайди, улар энди ўз диққат-эътиборини бирор нарса учун 15-20 дақиқа ушлаб тура олишади. Шу билан бир вақтнинг ўзида иккинчи сигнал тизими бўлмиш сўзнинг аҳамияти кучаяди. Энди улар бошқаларнинг сўзларига эътиборлари жиддий кучайган бўлади. Аммо сўз ва унинг умумлаштирувчи моҳияти ҳали анча тор доирада бўлиб, тўп деганда "ўйнайдиган нарса", қошиқ дейилганда "овқатланиш ашёси" тушунчаси даражасида бўлади. Яъни, "фикрлаш" тўлиқ маънода ҳали ҳаракатдан ўта узилган бўлмайди. Шунинг учун ота-оналар, айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари айнан шу ҳолни унутмасликлари зарур.

Бошланғич мактаб болалари мактабга келиши билан уларнинг ҳаётий фаолиятида жиддий бир номутаносиблик бошланади. Бу уларнинг жисми, хотираси, диққат-эътибори, фикрлаш қобилияти ва бошқа хусусиятларига талаб ва таъсирнинг ортиб боришидандир. Аммо болада бу талабларга адекват-мутаносиб жавоб беришда ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. **Айнан мана шуни биринчи ўринда тарбиячи ва таълим берувчилар алоҳида ёдларида тутишлари зарур.** Ўқитувчи, бирни-бирга қўшишни бугун ўргата олмаса эртага ўргатиши мумкин. Аммо тарбиячи боланинг бирни бошқа бирга қўшолмагани учун қаттиқроқ гапирса, бола бир умр ушбу тарбиячини ёмон кўриб қолиши мумкин. Айниқса, бу ҳол боланинг шахсига тегадиган сўзлар билан бирга олиб борилган бўлса.

Маълумки, илм олиш ўта машаққатли, шу билан бирга жозибали меҳнат. Ўқитувчи тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини ёддан чиқармаса боланинг меҳнат қилиш ва айниқса илм олиш иштиёқини сўндириб қўймайди. Демак, ўқитувчи бошланғич синф ўқувчисига илм ўргатар экан, у илм олиш жараёни оғир меҳнат эканлигини кўрсата олиши лозим.

Маълумки, бошланғич синф болаларининг диққат-эътибори бир жойда 20-25 дақиқа жам бўлиб тура олади. Шунинг учун уларнинг иш жараёнида бошқа нарсага фикри чалғиса, топшириқни тез ва тоза бажара олмаса, ёзувда ҳарфларни тушириб қолдирса, койимаслик керак. Бундай чалғиш ва хатоларга йўл қўйиш эътиборсизлик ёки билмасликдан эмас, табиатан эътиборни бир жойда ушлаб туриш қобилиятининг ҳали тўлиқ етилмаганлигидан эканлигини биринчи ўринда тарбиячи ва ўқитувчи унутмаслиги лозим.

Яна бир хусусият, ёш болалар ҳали воқеа ва ҳодисаларни кўпроқ ҳаракат, сўз, товуш ва бошқа механик хусусиятлар билан тўлиқроқ ва тезроқ ёд оладилар. Оддий ҳарфлар улар ёд олишлари учун ҳаракат қилишлари керак. Яъни "т" ҳарфи танк, "п" ҳарфи паровоз ва бошқалар.

Айни ҳолда болаларнинг илк бор кенг жамият орасига чиққанлиги, яъни оила доирасидан энди синф, жамоа орасида фаолият кўрсатаётганлиги бола учун жуда катта ижтимоий ўзгаришдир. Бу ҳолда тарбиянинг олиб борилиши оиладаги ҳолатдан фарқ қилиши ҳаммамизга аён бўлмоғи лозим.

Яна бир ўта нозик ҳолат шундан иборатки, бола, жамият орасига чиқиши билан ўзини бошқалар билан солиштириши жуда ортиб кетади. Энди у ёнидаги ўтирган боладан, қолаверса, бутун синфдан ўзининг чаққонлиги, илғорлиги ва бошқа сифатлари билан ажралиб туришни хоҳлайди. Болалардаги ушбу сифатни билган тарбиячи ҳеч вақт унинг бирон-бир хатосини, камчилигини ёки бошқа нотўкислигини унинг шахсига нисбатан сен "яхши" ёки "ёмон" деган хулосаларга олиб борманслиги лозим. Бу ўринда болага нисбатан "сен қила олдинг", "сен улгурдинг" ёки "ҳозирча сен улгура олмадинг" ибораларини қўллагани маъқул. Акс ҳолда, ҳар бир айтилган қаттиқ сўз бола хотирасидан умрбод кўтарилмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз катта-катта ёшларда бирон-бир яқинимизга фалон пайти мени қаттиқ уришган эдингиз, деб хотирлашни унутмаймиз.

Уқдирмоқчи бўлган мулоҳазамиз шундаки, ўқитувчи ўргатиш предмети билан шахсга, унинг хусусий сифатига таъсирини тўлиқ ажратиши, айниқса, аралаштирмаслиги лозим.

Биз юқорида болаларнинг 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврини ўта фаол маълумот тўплаш даври, деб айтиб ўтган эдик. Ушбу давр маълумотларни тартибсиз, тўплаш даври бўлади. Болаликнинг 6 ёшдан юқориси маълум йўналишда қунт билан илм олиш даври ҳисобланса, шундан бошланғич синф даври илм олишга ўрганиш пайти ҳисобланади.

Мана шуни ҳисобга олган ҳолда болага билим бериш билан бир қаторда ўқитувчи тарбиячи сифатида билим олиш маданиятини ўргатмоғи лозим.

Айни шу даврда биз кўплаб болаларимизни илмдан совутиб қўйганимизни ўзимиз ҳам билмай қоламиз.

Болалар бу даврда ўзлари сезмаган ҳолда билишга чанқоқлик хусусиятини намоён қилишади.

Аммо айни мана шу жойда болаларнинг бу ёшдаги хусусиятларидан бири бўлмиш умумболалик ва одамлар тушунчасини унутмаслик керак. Яъни, болалар бу ёшда катталарнинг эркак-аёллигига, тенгдошларнинг ўғил ёки қизлигига кўп эътибор беришмайди. Улар учун салкам барча ҳолатда Салима ҳам, Карим ҳам, Али ҳам, Гулнора ҳам бир маънода тенгдош саналади.

Айни бу ҳолдан тарбиячилар ўз ўрнида тўғри фойдаланмоқлари лозим. Боланинг жинсий мансублигини унутмаган ва кўрсатган ҳолда унинг бошқа жинсдаги шахсларга ҳурматини шакллантириш шу даврдан бошланишини тарбиячилар яхши билиши керак.

Тарбиячилар назаридан қочмаслиги керак бўлган яна бир ҳолат, бу қиз болаларнинг ўғил болаларга қараганда бу даврда анча фаоллиги, ҳаракатчанлиги, тетиклиги ва бошқалар.

Айни шуларнинг таъсири бўлса керак, одатда, бошланғич синфларда синф фаоллари сифатида кўпроқ қиз болалар сайланади ва тайинланади. Аммо, унутмаслик керакки, болаларнинг жамият орасида яшаш кўникмалари айнан мана шу бошланғич синфларда шаклланади. Жамиятдаги бўлғуси лидер ва тобелар кўпинча мана шу ёшда тетапоя қилади. Демак, бу ёшдаги болалар орасидаги тарбия ишларида нафақат уларнинг физиологик хусусиятлари, қолаверса, бўлғуси ҳаётларини унутмаган ҳолда тарбия олиб бормоқ лозим. Негаки, айни шу, бошланғич синфларнинг охирида, яъни 3- синфнинг бошларида болалар орасида ўз жинсларига қизиқиш, бошланади. Бу оддий, табиий ҳолдир. Бу ҳолатни ўз вақтида сезган ва унутмаган тарбиячи эса ўз соҳасининг зукко ва лойиқ ходимидир.

Ўтиш даврига жисмоний жиҳатдан яқин келаётган бу ёшдаги болалар маълумот тўплашда ўта фаол бўлганлари учун улар ушбу даврда эшитган гапларни, уларнинг шаънига айтилган фикрларни умрбод унутмайдилар. Шундай экан, болаларнинг шахсига тааллуқли фикрларни айтишдан олдин обдон ўйлаб кўриш лозим.

Кўпнинг орасида дакки бериш, уялтириш, аксарият ҳолларда акс натижа беради, Демак, бу йўналишдаги тарбиявий чорадан қочиш лозим.

Бу даврда бўладиган болалардаги илмга чанқоқлик тарбияга, унинг юқори савиядаги намуналарига ҳам чанқоқлик билан алоҳида ажралиб туради. Шундай экан, уларга бу даврда ҳамма ижобий нарсаларни кўрсатган маъқул.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

ОНА ТИЛИ ИМКОНИЯТЛАРИ

ундан ўқувчилар нечоғлик фойдалана билади?

Келажагимиз бўлган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг воситаларидан бири уларнинг она тилига бўлган муҳаббатини оширишдир. Текширишлар шуни кўрсатадики, ўрта мактабда ҳосил бўлган кўникмалар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кучайиб боради, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳар бир масалага ўзгача ҳиссиёт билан ёндашадилар. Хусусан, она тили муаммолари ҳам уларни бефарқ қолдирмайди. Чунки, она тили ва адабиёти фанларидан ўзлаштирилган билимларнинг аксарияти Ватан, ватанпарварлик, миллий ғурур, орият ва ифтихор масалалари билан узвий боғланиб кетади. Шу боисдан ҳам улар она тилининг тарихи, Ватан адабиёти, туркий адабиётларнинг муштараклиги каби масалаларни катта қизиқиш билан ўрганадилар, ўзаро қизғин баҳс-мунозара қиладилар.

Назаримизда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг она тилига қизиқишларининг яна бир сабаби, бу олий таълим босқичига тайёргарликдир. Чунки, уларнинг кўпчилиги маълум бир олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш учун ҳаракат қиладилар. Бунинг учун эса, албатта, она тили билан чуқурроқ шуғулланишга тўғри келади. Натижада ўқув дастуридан ташқари қўшимча адабиётлар билан танишиб бориш, турли луғат, энциклопедия ва маълумотномалардан фойдаланиш, тавсия этилган бадиий адабиётларни ўқиб чиқиш зарур бўлади. Айни шу жараёнда ўқувчилар ўз она тилининг имкониятлари, ифода воситалари ва беқиёс гўзаллиги билан яқиндан танишадилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида она тилига бўлган муҳаббатни кундан-кун ошириб боришимиз зарур, деб ўйлаймиз. Бунда, аввало, уларни она тилида соф гапира олишга ўргатиш муҳимдир. Бу шунчаки оддий иш эмас, албатта. Бунинг замирида она-Ватанга ҳурмат, миллий ўзликни англаш, она тилидан фахрланиш туйғулари мужассамлашган. Биз ўқитувчилар, аввало, ўзимиз ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларини пухта ўрганиб, адабий меъёр талабларига риоя этган ҳолда сўзлай олишимиз керак. Лекин бугунги кунда баъзи ўқитувчилар нутқининг ғализлиги, ғариблиги ҳамон учраб турганлиги ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, ўзбек тилидай нафис ва назокатли тил бойликлари бошқа тилларда учрамаслиги мумкин. Ахир бу тилда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижод этган, Бобур ўз ўлмас ғазалларини шу тилда битган, Машраб мумтоз асарлар яратган... Биз дарсларда ана шундай гўзал намуналарга бот-бот мурожаат этишимиз, "булбул куйин шеърга сола оладиган" тилимизнинг имкониятларини кўрсата олишимиз зарур.

Бу мақсадларни амалга оширишимиз учун она тилимиз ва миллий адабиётимиз намуналари билан ўқувчиларни ошно этишимиз, уларнинг мурғак қалбига нозик бир сеҳрни жойлашимиз лозим. Масалан, ғазал жанрининг афзалликлари, рубоийларнинг ўзига хос гўзаллиги, туюқларнинг сўз ўйинлари асосига қурилиши, чистон ва шу каби шеърий санъатлар асосида она тилимизнинг чексиз имкониятлари ётганлиги очиб берилса, ўқувчиларнинг бадиий олами янада бойийди.

Назаримизда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида она тилимиз имкониятларини намойиш этадиган талай воситалар мавжуд. Шулардан бири янги алифбони пухта эгаллашдир. Айни пайтда ёзув биз учун фақатгина ҳаётий эҳтиёжгина бўлиб қолмасдан, балки бетакрор санъат асари эканлигини ҳам тушунтириб бориш керак.

Она тилига муҳаббат ва ифтихор туйғуларини шакллантирадиган, ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини кўрсата оладиган воситалардан яна бири ўзбек тилида иш юритиш ҳужжатларининг ўргатилишидир. Тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айрим фуқароларимиз расмий иш қоғозлари — иш юритиш ҳужжатларининг она тилимизда ажойиб намуналари борлигини яхши билмайдилар. Билсалар-да, гоҳида унга амал қилишни ўзларига эп кўрмайдилар. Ваҳоланки, ўзбек адабий тилида ҳар қандай тушунчани ифодалай оладиган атамалар мавжуд. Буни "Ўзбек тилида иш юритиш" қўлланмаси орқали ҳам билиб олиш мумкин. Бизнингча, бугунги кунда ЎМКҲТ тизимида таълим олувчилар иш юритишда зарур бўладиган ҳар бир расмий иш қоғозининг ҳам лисоний, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тўлдирилишини пухта ўзлаштириши жараёнида ўз она тили сўзларининг қудратига яна бир бора амин бўлади, ўзбек адабий тилининг битмас-туганмас бойлигидан баҳраманд бўлади.

Замира РАҲИМОВА,
Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

Фильмни кўриб, дўстлик, меҳр-оқибат, оилавий тотувлик, бегубор ёшлик каби неъматларни асраш зарур экан, деган хулосага келдим.

Умуман, талаба халқи кўп ғалати бўлади — у ўзи билиши керак бўлган фан соҳасини билмаса билмайдики, лекин ўқитувчи ҳақида у ҳали аудиториядан кириб улгурмасданоқ ҳамма нарсани билиб олган бўлади

Tarbiyaviy soatlarda

ДЎСТЛИКНИНГ МЕҲРИ – ҲАЁТ ҚУЁШИ

Умумтаълим мактабларида таълим ва тарбия муштараклиги бош масаладир. Сафимизда шундай синф раҳбарлари борки, улар ҳафтада бир марта ўтказиладиган тарбиявий соатга алоҳида тайёргарлик кўрадилар. Яқинда пойтахтимиздаги 105-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси, "Халқ таълими фидойиси", 10-"А" синф раҳбари **Гулжамила Аъзамхўжаева**нинг тарбиявий соатларида иштирок этиб, бу ижодкор, серҳаракат, тиниб-тинчимас синф раҳбарининг иш усулларини ўрганиб қайтдик. Гулжамила опа навбатдаги тарбиявий соатни ўтказишдан аввал ўқувчиларини Алишер Навоий номидаги санъат саройига — Зулфиқор Мусоқовнинг "Осмондаги болалар" фильми намойишига олиб бориб, уларнинг таассуротлари асосида баҳс-мунозара ўтказдилар.

— Мақсадимиз — ўқувчиларни юксак дидли, ақлан баркамол этиб тарбиялаш, — дейди Г.Аъзамхўжаева. — Санъат ва адабиётга қуруқ даъват орқали муҳаббат уйғотиб бўлмайди, бирор воқеани кўрмай мустақил фикрлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ўқувчиларимни кинога олиб бордим ва хулоса чиқаришга ўзларини жалб этдим.

Ҳақиқатан ҳам тарбиявий соатни кузатиб, ўқувчилар фикрини тинглагач, бу усулни қўллаш яхши натижа беришига умид боғладик. Қўйида шу очиқ тарбиявий соат мазмуни билан таништирамиз.

Ўқитувчи: — Азиз ўқувчилар! Биз азал-азалдан иймон, шарм-ҳаё, меҳматсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатларимиз билан обрў-эътиборлимиз. Шунинг учун ўзбек халқи қадимдан одоб ва буюк инсоний фазилатларига эга бўлган.

Ҳозирда баъзи ёшларимиз буни унутиб қўйишаяпти. Қаерлардандир тақиқланган, одобсиз ёки жангари фильмларни олиб келиб, дўстлари билан кўришяпти. Натижада уларга бундай фильмлар салбий таъсир қиляпти. Бундай фильмларни кўрмаслик керак.

Куни кеча Зулфиқор Мусоқовнинг "Осмондаги болалар" номли янги бадиий фильмни кўриб келдик. Бугунги тарбиявий соатимиз кинофильм ҳақидаги мунозарага асосланади. Ҳар бир ўқувчи фильм ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва фильмдан олган таассуротлари билан қатнашишини, қандай хулоса чиқарганини айтади.

1-ўқувчи: "Осмондаги болалар" фильми айни биздек ёшлар ҳақида ишланган бўлиб, синфга янги ўқувчи қизнинг келиши билан бошланади.

Ёш актёрлар фильмга мос танланган. Ҳар бир образ жуда яхши ижро этилган. Воқеалар ҳам жонли ифодаланган. Фильмнинг жозибали, қизиқарли чиқишида ва оммага хуш ёқишида, бу катта аҳамиятга эга.

Фильмнинг қаҳрамонлари — Ҳамдам, Бахтиёр, Жавохир, Хуршид исмли йигитлар. Бўлардан менга жуда ёққан, бой таассурот қолдирган образ — Ҳамдам сиймоси бўлди. У ёш бўлишига қарамай, доимо юқорига интилади, оиласининг жуда ночор ва аянчли аҳволда бўлганлиги сабабли оила рўзғорининг бир қисмини ўз зиммасига олиб, тинмай меҳнат қилади. Ўқишига ош бўлса ҳам вақт ажратади.

Режиссёр Ҳамдам тимсолини биз ёшларга ўрнак сифатида етказишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиққан.

Синфга келган янги ўқувчи Лола Ҳамдамнинг олдидаги бўш жойга ўтирмоқчи бўлади, лекин Ҳамдам буни хоҳламайди, натижада улар тортишиб қолишади. Бу узоққа чўзилмайди, улар дўстлашиб олишади. Бора-бора бу дўстлик севгига айланади.

Бахтиёр дадасининг машинасини ураб олганида дўстлари кўлидан келганича ёрдам беришади, уларнинг ота-оналари ҳам қараб туришмайди. Фильмни кўргач, дўстлик, меҳр-оқибат, оилавий тотувлик, бегубор ёшлик каби неъматларни асраш зарур экан, деган хулосага келдим.

2-ўқувчи: — Мен ҳам фильмни қизиқиш билан кўрдим. Чунки, фильм мактаб ўқувчилари ҳаётидан олинган экан. Менга тўғри нафар дўст йигитқиз— ҳаммаси ёқди. Уларнинг бошидан кечирган воқеалари айнан ҳаётдан олинган. Мен ўзим шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганман.

3-ўқувчи: — Менга фильмдаги бош қаҳрамон Ҳамдам ёқди. Унинг отаси уйдаги ҳамма нарсаларни сотиб ичади. Пул топа олмай ўғлидан пул сўрайди. Ҳамдам ҳали мактабни битирмасдан, дарсдан сўнг ишлаб пул топишга мажбур бўлади. Меҳнат билан топиб келган пулини эса отаси олиб ичиб юборади. Унга жуда ачиниб кетдим. Лекин Ҳамдам жуда ақлли, ўйидаги қўнғилсиз воқеаларни ҳеч кимга билдирмайди. Унинг орзуси — ёзувчи бўлиш. У ҳатто сценарий ҳам ёзади. Ҳамдам келажакка умид билан қарайди. Балки шунинг учун ҳам, севилиб, Лоланинг илк, пок севгисини қозона олгандир. Биз Ҳамдамдек иродали бўлишимиз керак.

4-ўқувчи: — Тўғри, Ҳамдам ҳаммага ҳам ёқади. Лекин фильмдаги Бахтиёр ҳам ундан қолишмайди. У ўзига тўқ, бадавлат оилада яшайди, ҳамма нарса етарли. Лекин бобосига, онасига ва Бахтиёрга бу бойлик татимайди. Сабаби, унинг отаси оиласига хиёнат қилади.

Бахтиёр отасини ёмон кўради. Отасининг келишини билиб, уйдан чиқиб кетади. У бобосини жуда севади. Ҳатто бобосини фожеадан қутқариб уйгача опичлаб келиши — бу жасорат. У ҳам Лолани севади, лекин ҳеч кимга айтмайди. Сир тутади. Ҳақиқий севги ошкор қилинавермаслиги кераклигини ўргандим.

5-ўқувчи: – Мен Жавохир ҳақида гапирмоқчиман. Жавохир ўртаҳол оиланинг фарзанди. У ҳам Лолани севади. Лола тўғилган кунига дўстлари қаторида Жавохирни ҳам таклиф қилади. У туғилган кунга алоҳида ҳозирлик кўради. Ўзига оро бериб, ниҳоят Лоланикига боради. У ерда Лола Ҳамдамни ёқтириши маълум бўлиб қолади. Шундан сўнг, Жавохир Лоланикидан чиқиб, дўкондан ароқ олиб ичиб, маст ҳолда уйига келади. Ота-онаси ўғлини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишади. У ҳаттоки ўз жонига қасд ҳам қилмоқчи бўлади. Ҳамдам билан уришиб ҳам олишади. Дўстлари уларни яраштириб қўйишади. Қанийди, Жавохирда Ҳамдамдек кучли ирода бўлса!

6-ўқувчи: — Фильмда Хуршид ҳам ўзгача тасвирланган. Унинг отаси режиссёр. У Ҳамдамнинг сценарийсини отасига бериб, дўстининг асарини амалда кўришни жуда истайди. У ҳақиқий дўст. "Дўст кулфатда билинади", деганларидек, у ҳам дўстлари қаторида ножўя қилмишларини тузатиш йўлида зўр меҳнат қилади.

7-ўқувчи: — Менга бу фильмда Лола ёқди. У синфга янги ўқувчи сифатида кириб, ўриндиклардан бирига ўтирётганда кўрсатган жасоратига қойил қолдим. Лолага Ҳамдам, Бахтиёр, Жавохир ва Хуршидлар кучларини кўрсатмоқчи бўлишади. Ваҳоланки, Лола уларнинг боплаб таъзирини беради. Бу ишдан кейин, йигитлар ўзларига тегишли хулоса чиқарифф олишади ва Лоладан узр сўрашади.

Лола — кўркмас, ақлли қиз. У учта дўстни кураша енгиб чиқади. Бу катта жасорат. Бу менга дарс бўлди. Чунки, қиз бола ҳам ўзини-ўзи ҳимоя қила билиши керак.

8-ўқувчи: – Менга ҳам бу фильм жуда ёқди. Энг ёққан томони шундаки, бой-бадавлат оилада ўсган Бахтиёрда ҳеч қандай манманлик йўқ. У дўстларига содиқ. Ҳеч нарсани улардан аямайди. Кўпинча ҳаётда ўзига тўқ оиладаги болалар манманликка берилган бўлади. Фильмдаги Бахтиёр тимсоли баъзи болаларга ўрнак бўлади деган фикрдаман. Фильм ўзбекларга хос меҳр-муҳаббат, дўстлик, садоқат руҳида ишланганлиги билан аҳамиятлидир.

9-ўқувчи: — Фильмни кўрар эканман, мендан бир ўриндиқ нарида бир йигит ўтирарди. У фильмни берилиб, хафа бўлиб кўрди. Охири йиғлаб юборди. Мен ҳайрон бўлдим. Шундай хулосага келдимки, у фильмда ўзига ўхшаш ёки оиласига ўхшаш бирор-бир жойини кўрган. Фильм тугагач, биз ўқитувчимиз билан ташқарига чиқдик. Менинг кўзим, хаёлим ўша йигитида эди. У ёнидан сигарета олиб, чекиб, ўйга чўмиб, йўлида давом этди.

10-ўқувчи: – Тўғрисини айтсам, кинога боришни хоҳламагандим. Ўқитувчимизга фильм ҳақида тушунча берганларидан сўнг, бориб фильмни кўрдим. Борганимдан хурсанд бўлдим. Менга фильм жуда ёқди. Менимча, бу фильмни ҳамма кўриши керак, чунки жуда кўп тарбиявий томонлари бор.

11-ўқувчи: – "Осмондаги болалар" фильмининг бундай номланишига сабаб, ундаги ёшлар бегубор, бир-бири билан муносабати самимий, уларнинг мақсади ҳам эзгулиқдан иборат эканлигидадир.

Тўғри, фильм давомида улар сигарета, нос чекиб кўришади, ёшига тўғри келмайдиган фильмларни ҳам кўришади, лекин бу узоққа чўзилмайди. Улар тезда буни тарк этишади. Айниқса, фильм сўнгида Лола самолёт деразасидан қараганда, бошқа самолёт қанотида қатор ўтирган тўртта дўстига кўзи тушади. Менимча, фильм муаллифи уларни фаришталарга ўхшатиб, "Осмондаги болалар" деб номлаган бўлса керак.

12-ўқувчи: – Мен бу фильмни кўрар эканман, вақтим қандай ўтиб кетганини сезмай қолдим. Худди назаримда тез тугаб қолгандай бўлди. Бундай қизиқарли фильмни узоқ кўргим келади.

13-ўқувчи: – Фильмдаги қаҳрамонларнинг тақдири ва ҳаёти бизни қизиқтириб кўйди. Шу фильмнинг давоми бўлишини жуда хоҳлаймиз ва кутиб қоламиз.

Тенгдошларимга эса мустаҳкам иродали, дўстларига ҳамиша содиқ бўлишларини ва уларни одамийлик ҳеч қачон тарк этмаслигини тилайман.

Ўқитувчи: — Азиз ўқувчилар! Одамларга яхшилик, одиллик, сахийлик, меҳр-муҳаббат, караму мурувват қилмоқ ва шу йўсин яхши ном қолдирмоқни буюк бобомиз Навоий "ажаб саодат" деб баҳолаганлар.

Бу гулшан ичра йўқдир баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Дунёнинг роҳати — яхшилик, умрнинг фароғати — яхши ном қолдириш экан, бобомиз Навоийнинг дуру гавҳардан қиммат сўзлари бизнинг дилимиз тўридан жой олади.

Демак, яхши ном қолдириш, комил инсон бўлиш учун ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун илм чўққиларини эгаллашингиз, ҳаёт йўлингизни нурафшон қилишда қўмак берувчи бадиий асарларни кўп ўқишингиз, ёшингизга мос қизиқарли-ҳаётий, бадиий фильмларни кўришингиз ва ундан тегишли хулоса чиқаришингиз керак.

Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади.

Суратда: Г.Аъзамхўжаева ўқувчилар билан.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Xotira

ЗИКРИЁ МИРҲОЖИЕВ ЖУМБОҒИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бизга дорилфунунда ўзбек совет адабиётидан маърузаларни Зикриё Мирҳожиев ўқиган эди. "Ўзбек совет адабиёти" деганимиз 1917 йилдан кейин яратилган адабиёт бўлиб, ўша кезларда бу тарих бор-йўғи 35 йиллик муддатни қамраб оларди. Табиийки, бу тарих ҳам бир нуқтада тўхтатиб қўйилмаган, бир тўлқин отиб, бир сокин ҳаракатланаётган жонли жараён эди. Бундай қисқа муддат ичида яратилган асарлар ҳам бармоқ билан санарли эди, масалан, бор-йўғи тўрт-бешта роман, беш-олтита қисса, тилга олишга арзийдиган ўн беш-йигирмата ҳикоя, яна ўнтача драма мавжуд эди, холос. Бунинг устига бу тарихнинг ўзининг қисқалигига қарамай, у яна суғориб равишда қисқартирилган, ундан кўпгина ёзувчи ва юртларидагина эмас, ўрта мактабларда ҳам, ўша даврнинг атамаси билан айтганда, тўлиқсиз ўрта мактабларда ҳам мавжуд эди. Адабиёт ўқитишдаги бундай схема марказдаги схемадан айнан нусха кўчириш асосида вужудга келган бўлиб, адабиётни ўқитишда учига чиққан вулгар социологизмни туғдирар, бунинг оқибатида эса адабиётда мавжуд бўлган жамики нафосат ва гўзаллик маҳв этилар, у сиёсатнинг бир бўлаги ва маддоҳи сифатидагина талқин қилинарди. Бу ўринда ҳам собиқ шўро тузумининг ақл бовар қилмайдиган ғаройиботларидан бирини кўрамиз — "вулгар социологизм" 30-йиллларнинг бошида зарарли, реакцион, ғайри илмий метод сифатида қаттиқ қораланган, бу ҳақда қарорлар қабул қилинган, мақолалар ёзилган, мажлислар қилинган бўлса-да, амалда 40-йилларда бемалол яшашда ва адабиёт ҳақидаги тасаввурларни заҳарлашда давом этмоқда эди.

Зикриё Мирҳожиев бизга ана шу фандан дарс берарди. Аммо маърузаларида ўзбек адабиёти ҳақидаги ҳақиқатнинг юздан бирини ҳам айтиш имконига эга эмасди, шўроларнинг адабий сиёсати туфайли бу адабиётнинг чўлтоқ ва ғариб бўлиб қолганини айтолмас эди, аксинча, асл асарлари қувиб чиқарилиб, уларнинг ўрнини ўртамиёна ва ҳатто паст савиядаги, бироқ мафкура чилдирмасига шох ташлаб хиром қилгувчи асарлар билан тўлдирилган адабиётни шўро сиёсатининг "зўр тантанаси" сифатида биз — талабаларнинг онгига синдирмоқ даркор эди. Зикриё Мирҳожиев жуда хушсуврат одам эди. Биринчи марта дарсга киргандаёқ унинг ташқи қиёфаси, шакли-шамойили ҳаммамизни ром этган эди. У ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшларда бўлиб, бўйи ўртадан баландроқ, қомати тик, жиккаккина эди. Унинг қомати ҳар қанча келишган бўлмасин, спортчиларнинг қоматига унча ўхшамас эди. У алланечук қуватдан, чайириликдан маҳрумдек кўринарди. Боши бироз чўзинчоқроқ, диккайиб турган сочлари қалин ва қора, қошлари ҳам, йирик-йирик кўзлари ҳам тимқора. Кўзларига тикилиброқ қарасангиз, ларда алланечук тубсиз теранлик борлигини, аллақандай интиҳосиз ғусса уларга соя ташлаб турганини кўрардингиз. Айни чоғда унинг чеҳрасида тажангликдан ҳам зўқур этиб турар, тез-тез нимадандир асабийлашиб, бўлар-бўлмас нарсаларга сиқиладиган одамдай кўринарди. Кейинчалик бу тахминимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилдик. Зикриё ака эзмаликни ёқтирмайдиган, анча-мунча камғал, ҳуда-беҳудага кулавёрмайдиган одам экан. Зикриё ака талабаларни хушламас эди, десак унча тўғри бўлмас. У ҳар қайси талабага ўзига яраша муомала қиларди, лекин ҳеч ким билан оғиз-бурун ўпишиб кетмас, улар билан ўзининг орасида ҳамиша маълум бир масофани сақлаб туришга ҳаракат қиларди. Умуман, унинг теварагида аллақандай иҳота ҳудуди бор эдики, бу ҳудуди домла даврлат чегарасидай ҳушёрлик билан қўриқлар, у ерга бирон бегона одамнинг қадам изи қилишига йўл қўймас эди.

Зикриё ака биринчи дарсни талабалар билан танишишдан бошлади — ҳаммани бир-бир ўрнидан турғазиб, исми-шарифини, қайси вилоят ёки шаҳардан эканини, ота-оналари кимлигини сўраб-суриштирди, талабанинг қизиқиш доирасини аниқлайдиган саволлар берди, кейинчалик ҳаммамиз ўрганиб кетдик. Унинг бундай муомаласи ҳеч кимга малол келмас эди, чунки биз буни ўзига хос ҳазил, енгил мутойиба деб қабул қилар эдик.

Зикриё ака филология фанлари номзоди эди. Бугун "фалончи фан номзоди" деган гап ҳеч кимни ажаблантиримайди. Аммо у вақтларда, 40-йилларнинг охирида, уруҳдан кейинги дастлабки йилларда аҳвол бошқача эди. Филология фанлари номзодлари бутун Ўзбекистон бўйича йиғиштириб келганда ё тўртта ёки бешта чиқарди. Бунинг устига, негадир фан номзоди савлатидан от ҳуркадиган ўрта ёшлардаги дуркунгина одам бўлмоғи керак деб ҳисобланарди. Зикриё ака эса ҳали ёш, бунинг устига бақувват от тугул, бирон қирчанғини ҳам ҳуркита оладиган сиёғи йўқ эди. Умуман, талаба халқи кўп ғалати бўлади — у ўзи билиши керак бўлган фан соҳасини билмаса билмайдики, лекин ўқитувчи ҳақида у ҳали аудиторияга кириб улгурмасданоқ ҳамма нарсани билиб олган бўлади — ким неча марта уйланган, бола-чақаси борми-йўқми, чап оёғининг синчалоғи қанақа ўсган, бугун қайси ёнбоши билан турган — шунга ўхшаш маълумотларни истаганча сўранг, талаба жавоби қалаштириб ташлайди. Талабаларнинг симсиз телефонлари берган маълумотларга қараганда, Мирҳожиев энг ёш фан номзодларидангина эмас, у анча иқтидорли, қалами ўткир, фикрлаш ўзига хос, умуман, келажагидан кўп нарса кутса бўладиган умиди ёш олимлардан эди.

Домланинг маърузаларидан, ўзаро мубоҳасалардан, баъзи бир мулоҳазалари ва луқмалари чиндан ҳам иқтидорли эканн, бадиий адабиётнинг нафосатини, гўзаллигини нозик туюшини, адабиёт тарихини чуқур билишини пайқаб олиш қийин эмасди. Адабиёт тарихини билмасликнинг иложи ҳам йўқ эди-да, чунки 30 йиллик оралиги йилларни қамраб олувчи тарих ўзининг жаъмики бўронлари, тўфонлари, аҳвоб-далволари, ҳалокатли гирдоблари билан бирга бошданоёқ унинг кўз ўнгида кечган эди ва ҳатто айрим ҳолларда домланинг ўзи бу тарихнинг фаол иштирокчиси ҳам бўлган эди. Аблатта, Мирҳожиевнинг ўзи яхши кўрадиган адиблари, шоирлари ҳам бор эди. У айниқса, Ойбекни яхши кўрар, унинг ижодини ўтганда ҳаркандай беписанд гапларни, кесатиқ ва пичингларни йиғиштириб қўяр, маърузани ҳам роҳатланиб, ёйилиб ўқирди. Унинг севган шоирларидан яна бири Шайхзода эди. Гарчи Шайхзода ижоди у пайтларда дастурларга кирмаган бўлсада, Зикриё ака турли муносабатлар билан унинг номини тез-тез тилга олиб турар ва шеъларига юксак баҳо берарди. Гафур Ғулом ҳам унинг севимли ижодкорлари қаторидан ўрин олганди. Домла Гафур Ғуломни Шарқнинг буюк шоирлари сирасига киритар, унинг ижоди тўғрисида гапирганда эса шеърларининг сиёсий йўналишини кенг гапирарди (У пайтларда сиёсатни мадҳ этиш бадиийликнинг узвий қисми деб ҳисобланарди). Лекин ҳеч қачон бу билан чекланиб қолмасдан, Гафур Ғуломнинг бадиий тафаккури тўғрисида кўпроқ гапирар, унинг поэтик образлари дунёси бенизоя ўзига хос ва турфа хил эканини, айни ана шу ўзига хосликда шоир истеъдодининг қудрати яққол ифодаланишини уқдирарди. Мирҳожиев Гафур Ғулом ижодини жуда яхши билар, ундан кўплаб шеърий парчаларни ёддан келтирарди.

Умуман, Мирҳожиев бирон марта маърузасини қоғозга қараб ўқиганини билмайман. У аудиторияга қоғоз кўтариб кирмас, доскадан ҳам фойдаланмас, ахён-ахёнда ёнига баъзи ижодкорларнинг 20- ва 30-йилларда нашр этилган ва аллақачон ноёб бўлиб улгурган китобларини талабаларга кўрсатиш учун кўтариб келарди. Кези келганда шуни айтмоқ керакки, Зикриё аканинг жуда бой кутубхонаси бор эди. Кейинчалик бирга ишлаган йилларимизда дома бизни ўйига таклиф қилган эди. Ўшанда бир хона кутубхона қилиб қўйилганини, унда замонавий ўзбек адабиётининг кўпгина кутубхоналардан ҳам топиб бўлмайдиган китоблари мавжудлигини кўриб ҳайрон қолган эдим — чунки бизнинг замонамизда муайян китобларни омон сақлаб қолишнинг ўзи жуда хатарли эди — бунинг учун одамдан катта жасорат талаб қилинарди.

Ҳа, Зикриё ака ўзининг иқтидори ва билими билан талабаларнинг ҳурматини қозонган домлалар сирасига кирарди. Аммо шу билан бирга, Зикриё аканинг педагогик фаолияти бир текис, равон кечган, маъруза-ларида ҳам ҳамма нарса ҳамиша жойида бўлган эди десак, эҳтимол, бу гап ҳақиқатдан бироз ёшироқроқ бўлар; Домла айрим мавзуларни илҳом билан кўтаринки ҳолда ўқиганини ҳолда, баъзи бир мавзуларни ғоятда асабий кайфиятда, тажанглик билан пешонаси тириши ̆ўқирди. Бундай пайтларда у гапларини ичидан зўрға сиқиб чиқараётгандай, ўзи гапираётган гаплардан ўзининг эмаси қотиб кетаётгандай кўринарди. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода иқлидини ўтганда унинг ҳаёт йўлини, иқилобдан аввалги ижодини, шеъриятини апил-тапил гапирардию драматургиясига ўтганда "Бой ила хизматчи"ни кўрганмисизлар, деб сўради. "Кўрганмиз" деб жавоб берди. "Кўрган бўлсаларинг яхши, кўрмаган бўлсаларинг театрга бориб кўриб қўйинглар ёки китобдан ўқиб олинглар" дерди-да, шу билан маъ-рузага якун ясарди. Домла нима учундир Садриддин Айний ижодини ҳам унча хуш кўрмас эдилар — унинг асарлари тўғрисида мақтов гапларни кўп гапирмас, аксинча, уларга беписандроқ муносабатда экани билиниб қоларди. Баъзан Айний қаҳрамонларига шунақа антиқа таърифлар берар эдики, бу таърифлар кейинчалик талабалар ўртасида машхур бўлиб, тилдан тилга ўтиб юрарди. Масалан, "Бухоро жаллодлари" қиссаси ҳақида гапирганда, домла ундаги образлардан бирига ғалати таъриф берганди. Бу — Ҳамра гавбаз образи эди. Эсингизда бўлса, у ўғри ва ҳатто ўғри боши бўлган, кейин жаллодик қилган. Домла унинг таърифини келтиргандан сўнг, зўр ва абжир ўғри бўлганини кўрсатиш учун "Ҳамрагавбаз хўкизнинг болисини қўлтиғига қисганича баланд девордан бир сакрад ўтиб кетарди", деди. Ўзининг одатига кўра, бу қаҳрамоннинг ҳам отини айтмай, уни "Қора бола" деб атаган эди. Кейинчалик, "қўлтигида хўкиз билан сакрад девордан ошиб ўттан "кора бола" деган ибора талабалар ўртасида машҳур бўлиб кетди.

Домланинг юраги торлиги, асаблари ўта толиққани, қаноатсизлик унга панд бера бошлагани яна бир воқеада яққол кўринган эди. Ўқув юртида амал қилувчи қоидага биноан курс бўйича маъруза-лар ўқиб, амалий машғулотлар ўтқазиб бўлингач, имтиҳон бўлади. Бизнинг гуруҳимиз ўн бир кишидан иборат эди. Имтиҳон куни етиб келди. Домла имтиҳон билетларини стол устига ёйиб қўйди. Мен староста сифатида баъзи бир юмушларни қилиб, домлага қарашиб турибман. Ниҳоят, билет олиб, жавобга тайёрланиб ўтирган талабалардан бири "домлажон, жавоб берсам майлими?" дея ижозат сўради. Домла бош ирағ рухсат берди.

Билетнинг биринчи саволи "Ҳамза Ҳакимзоданинг иқилобдан кейинги ижоди" деган савол экан. Талаба ўша даврнинг таомилига кўра гапни "бисмилло"дан бошлади:

— Улуғ октябрь социалистик революцияси асрлар мобайнида эксплуатация кишанлари остида эзилиб ётган ўзбек халқи учун янги бахтли ҳаёт эшигини очиб берди.

Жавобнинг биринчи сўзларини эшитиши биланоқ домланинг энсаси қотди, пешонасидаги ажинлар чуқурлашиб, қора қошлари чимирилиб кўтарила бошлади. Ниҳоят, "очиб берди" деган иборагача чидади-да, кескин талабанинг гапини бўлди:

— Қисқароқ гапиринг!

Талаба негадир давом этиш ўрнига, гапини яна такроран бошлади. Бу гал гап "эзилиб ётган" деган иборага етганда, домла янада асабийроқ оҳангда "қисқароқ!" деди. Талаба учинчи марта гапини "Улуғ Октябрь иқилоби"дан бошлади. Домланинг сабр косаси лиммо-лим тўлиб бўланди.

— Ҳая, Мамадали биласанми ўзинг?, — деб сўради у. Талаба қомил ишонч билан: "Биламан" деб жавоб берди.

— Шуни айтмайсанми! Қани, зачеткангни бер, — деб буюрди домла ва зачеткага "аъло" баҳо қўйди. Кейин иккинчи талабани оғиз очишга қўймай_ундан ҳам "биласанми?" деб сўради. У ҳам "Биламан" деб жавоб берди ва "аъло" баҳоға сазовор бўлди. Тўртинчи талабадан бошлаб, қолганлари домлани ортиқча ўринтириб ўтирмай, билетни олишлари биланоқ, ундаги саволни ўқиб ҳам кўрмай, "биламан!" деб хитоб қилишар ва дафтарчаларига "аъло" баҳони ёздириб олардилар. Имтиҳон рўйхатида биргина бола баҳо олмай қолди. "Бу қора бола имтиҳонга келмадими?" — деб сўради домла. Мен унинг хастахонага тушиб қолганини айтдим. "Биладими ўзи?" деб сўради домла. "Ҳа, билади, ҳаммамиз яхши тайёрланганмиз" деб жавоб бердим мен. "Майли, бундай бўлса, унга ҳам аъло" деди-да, имтиҳон рўйхатига имзо чекди у. Имтиҳон тугади, у Гиннеснинг рекордлар китобига кирадиган даражада қисқа муддатда, бор-йўғи 25 минутда бўлиб ўтганди.

Бу ғаройиб имтиҳоннинг доврўи дархол бутун факультетга тарқади ва ундан чиқиб шаҳар бўйлаб ҳам ҳар хил миш-мишларга сабаб бўлди. Ниҳоят, газеталардан бирида олий ўқув юртларидаги ўқув ишларининг аҳволи тўғрисида бир танқидий мақола чиқди ва унда Мирҳожиевнинг номига ҳам аччиқ-тирсиқ гаплар айтилди. Лекин ҳар қалай Мирҳожиев бу ғалвалардан осон қутулди. Уни ишдан ҳам четлатишмади, бирон ҳайфсан ҳам эълон қилишмади.

Орадан йиллар ўтди. Мен Зикриё ака ҳақида, айниқса, унинг тажанглиги ва айрим маъруза-ларга "масъулиятсиз" қараб, чала-ярим ҳолда ташлаб кетабериши тўғрисида жуда кўп ўйладим. Ахир, иқтидорли, ўз соҳасини биладиган бу одам нега шундай қиларди? Бу савол бора-бора мен учун осонликча ҳал қилиб бўлмайдиган "Зикриё Мирҳожиев жумбоғи"га айланди. Жуда кўп ўйлашлардан кейин ўзимча шундай бир хулосага келдим: Зикриё ақлли одам сифатида ўзи ўқитаётган "фан"нинг думи юлинган қушга айлантириб қўйилганини яхши тушунган, унда қатли омлар туфайли пайдо бўлган бўшлиқлар ҳар хил мафкуробоз, лекин бадиияти ̆ўқ, мамлакат тарихидаги фожеалар билан ўтган ва эҳтимолки, у ўз кўзи билан кўрган, шахсан бошидан кечирган давр-ларнинг бугун оғиз кўпиртириб мақталиши ҳам унга жуда малол келган. У ҳақиқатни гапирмоқчи ҳам унга жуда малол келган. Ишни ташлаб кетиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки кўп зиёлилар ўқитувчиликдан бошқа ишга ярамайдилар. Мирҳожиев худди Искандарнинг шохи борлигидан хабардор сартароққай дардини кимга айтишни билмай, аҳволидан оғиз очишдан қўрқиб ноғараган, маъруза-ларида эса ҳақиқатни айтиш истагини пичинглар ва кесатиқлар билан хаспўшлашга интилган, бунинг иложи йўқ вақтида эса маъруза-ни чала қолдириб, шартта аудиториядан чиқиб кетаберган. Зикриё ака шахматни жуда яхши кўрар эди. Ўзи ҳам биринчи тоифали шахматчи кучида ўйнарди. У аввалига Ҳамза театрининг баъзи бир шахматчи артистлари билан улфат бўлди, кейин эса Горький паркидаги чойхонада Хўжаев, Ҳожибеков, Улуғбек Элбеков каби шахматчилар билан дона сурадиган бўлди. Менинг назаримда, шахмат Зикриё аканинг ҳамдард дил малҳами бўлган — у кўнглидаги айтилмаган гаплар аламини шахматдан олган, сиқилганлари, асабийлашишлари ҳуморини шахматдан чиқарган. Албатта, шахмат, ундаги киши эркини чекламайдиган имкониятлар, руҳият юксакликларига кўтарилиш, бемалол парвоз қилиш Мирҳожиевнинг безовта кўнглига қай бир даражада малҳам бўлган. Лекин уни бутунлай даволай олган эмас. Зикриё ака авжи қирчиллама ёшида ўпка касалига дучор бўлди. Афсуски, тиббиёт ўша кезларда бу хасталикни даволаш йўлини ўрганиб олганича йўқ эди. Бу ўзига хос идроклі, қобилиятли инсон ўн гулидан бир гули очилмай, бу дунёнинг нашъу наъмосини ҳеч қанча тотмай оламдан ўтди. Унга Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин.

Яхшилик, яхши инсонлар ҳукуматнинг доимий эътиборида эканлигидан энтикасан шундай пайтларда. Тинимсиз ишлашга, изланишга, ўрганишга рағбат сезасан.

Fanimiz fidoyilari

ДОМЛАНИНГ БОЙЛИКЛАРИ



Бизнинг авлод Ўзбекистон тарихининг ўзгариш палласи — мустабид тузумнинг қулаши, мустақилликнинг эълон қилиниши йилларида олий таълим муассасаларида таҳсил олди. Бу тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари бор эди. Айрим домлалар ҳуррият, бу неъматнинг зиммамизга қўйган вазифаларини яхши англаган ва унга муносиб маърузалар ўқишга ҳаракат қилган бўлсалар, бошқа бир гуруҳи "марксизм-ленинизм" ғояларига қарши фикрлар, сўзларни айтишга жазм эта олмас, балки бу сўзларни билмас ҳам эдилар. Негаки, бу жуда қийин вазифа эди. Матбуотда, аудиторияларда тарих, демократик тамойиллар ҳақида баҳслар бўлаётган бу кезларда Ўзбекистонда яккаю ягона бўлган журналистика факультетининг талабаларига дарс ўтишда унча-мунча домла дош беролмасди. Бу талабалар, балки, жудаям ақлли бўлмагандирлар, лекин тарихнинг очилмаган саҳифалари ўқилаётган, мустабид жамиятнинг шармандали башараси очила бошлаган даврда уларнинг саволлари кўп эди. Ана шу саволларга кўп ўқиган, чуқур мушоҳада юритиш қувватига эга бўлган домлаларгина муносиб жавоб берардилар. Жавоб бера олмаганлари эса талабалар томонидан дарсдан четлатилган ҳам эди...

Филология фанлари номзоди, доцент Бойбўта ака Дўстқораев жуда кўп талаба-журналистлар қалбига ўзининг мушоҳадалари, фикрлари, тарихий далилларга бой дарслари орқали кириб келди. Демократия тўғрисида ёки тарихий мавзуда баҳслашиш, тўрт томонга аюҳаннос солишдан аввал жуда кўп ўқишимиз лозимлигини шу инсондан ўргандик, десам муболаға бўлмас.

Факультетга ўқишга кириш жараёнида ижодий имтиҳонни тақдир тақозоси билан шу домлага топширган бўлсам, факультетнинг ўша пайтдаги декани Сайди ака Умиров номзодлик ишимга раҳбарлик қилишга Бойбўта акани таклиф қилганларида талабалик даврида уйғонган меҳр сабаб, дилдан рози бўлдим. Бу йиллар домланинг ўз устида тинимсиз ишлаши, айниқса, тарихий манбалар устида кўп изланишлар олиб бориши мени янада ҳайратга солди.

Бойбўта ака мана бир неча йилларки, докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Домланинг ўрнида бошқа киши бўлганда шу пайтгача бешта докторлик ишини ёқлар эди, деймиз унинг шогирдлари. Лекин Бойбўта ака керакли бир далилни, муҳим бир сўзни эски алифбода ёзилган зарварақлар ёки бошқа манбадан бўлсин, излаб топмагунча тинчимайди. Биз — шогирдларнинг эса "ичимиз қизийди", домла диссертациясини тезроқ ёқлашини хоҳласакда, унинг йўли тўғрилигини қалбан ҳис қиламиз. Ахир илмни бекорга "игна билан қудуқ қазиш"га ўхшатишмайди.

Қолаверса, Бойбўта ака Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг очилган йилидан бошлаб матбуот назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигида кўплаб ёш тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Домла қимматли вақтини улардан аямайди. Бу ишлардан ортиб асримиз аввалида яшаб, ижод қилган маърифатпарвар боболаримиз яратган асарларни тўплаб, бугунги ўқувчига етказиш борасида ҳам кўп ишларни амалга оширди. "Маънавият" нашриётининг "Истиқлол қаҳрамонлари" сериясида чоп этилган Чўлпоннинг "Гўзал Туркистон" китобини нашрга тайёрлаб, унга сўзбоши ва изоҳларни ёзди.

Бугунги кунда домла ушбу ўқув даргоҳининг етакчи ўқитувчиларидан бири сифатида талабаларга журналистика сирларини ўргатмоқда. Ўтган йили АҚШга бориб, Нортистерн университети журналистика факультети ўқитувчилари билан ҳамкорликда қўлланма яратиш борасидаги шартномага имзо чекиб келди. Бугун мазкур қўлланма ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланди. Жорий йилда АҚШда сафарда бўлган муҳаррир ва ўқитувчи Маҳмуд Саъдий ҳамкор университет профессори Н.Данилоффнинг ушбу қўлланманинг Б.Дўстқораев томонидан ёзилган қисмига юқори баҳо берганлигини таъкидлади.

Айни пайтда журналистика тарихи курси бўйича жадид публицистларининг энг сара асарларини тўплаб, талабалар учун хрестоматия тайёрламоқда.

Ўзининг олтмиш ёшини қаршилаётган Бойбўта ака мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйи арафасида Президентимиз фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлди. Яхшилик, яхши инсонлар ҳукуматнинг доимий эътиборида эканлигидан энтикасан шундай пайтларда. Тинимсиз ишлашга, изланишга, ўрганишга рағбат сезасан.

Бойбўта аканинг ширин оиласи — турмуш ўртоғи, ўғил-қизлари, набиралари бор. Шу билан бирга уни ҳурмат қиладиган, уни яхши кўрадиган шогирдлари ҳам кўп. Демак, у нафақат ўз фарзандларига, балки кўпчиликка севимли инсон. Бундан катта бойлик, бахт бўладими дунёда!

Ҳ.САИДОВ,
филология фанлари номзоди

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Xotira

Ватанимизда доришунослик илми қадимдан анъана бўлиб келади. Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий сингари аллома боболаримиз шифобахш гиёҳлардан даво сифатида фойдаланишда жаҳоншумул шуҳрат қозонганки, уларнинг довруғи ҳануз сўнмаган.

Истиқлол мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини жаҳонга ёймоқ учун катта имкониятлар яратди. Таассуфлар бўлсинки, кўпгина ихтиролар муаллифи, истеъдодли олим, меҳрибон устоз, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фахриддин Садриддиновга мана шундай саодатли кунлар насиб бўлмаган экан. Олим раҳбарлигида ишлаб чиқилган доривор воситалар ҳозирда Франциянинг машҳур "Латоксан" фирмаси маҳсулотларини тайёрлашда ишлатилмоқда. У киши ҳаёт бўлганида бугун 70 ёшни қаршилаётган бўларди.

Фахриддин ака ёшлигиданоқ табиий фанлар, айниқса, кимё ва биологияни айрича қизиқиш билан ўрганди. У ёки бу моддаларнинг тузилиши, инсон организмига таъсирини билиш бўлажак олимнинг фикри-ҳаёлини чулғар эди. Шу боис, у Й. Охунбобоев номидаги Тошкент тиббиёт техникумига ўқишга кирди. Аъло баҳоларга ўқиди. Сўнгра ўқишни Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида давом эттирди. 1956-1987 йилларда Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида ишлади. Олимдаги касбга садоқат ва меҳр ҳамкасблар учун ўрнак, шогирдларга ибрат бўлди.

— Фахриддин акани 1962 йилдан буён биламан, — дея хотирлайди институтнинг етакчи илмий ходими Ҳ. Аҳмадхўжаева. — Устоз билан фармакология лабораториясида бирга ишлаганмиз. У киши бир сўзли, қатъиятли, камтарин инсон эди. Эзгу мақсад йўлида интилишни ундан ўргандим. Илмга муҳаббат, ҳалоллик намунасини топдим у кишида. Унинг узоқ Москвадаги кимё-фармацевтика институти аспирантурасида таниқли олим Михаил Машковский раҳбарлигида қисқа муддатда илмий ишни муваффақиятли ёқлагани шундан далолат.

Донолар айтганидек, илмни ўрганиш билан мақсадга етиб бўлмайди. Уни амалга татбиқ этмоқ лозим. Шу боис ҳам Фахриддин Садриддинов институтда Ўзбекистонда биринчи нейро ва психофармакология секторини ташкил этди. Лабораторияда 600 дан ортиқ фармакологик воситанинг асаб тизимига таъсири ўрганилди.

1973 йилда олим докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, ўз фаолиятини халқ хўжалиги учун зарур кимёвий бирикмалар ва қўшимчаларни яратишга қаратди. Юрак, қон-томир, асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган қатор маҳаллий дориларни яратишда қатнашди. Институтнинг доришунослик ҳайъатига раислик қилди. Фахриддин Садриддинов раҳбарлигида аритмия хасталигида ҳозирча тенги йўқ "Аллапенин" препарати яратилди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида юрак, қон-томир касалликларини даволашда бу дори яхши самара бераяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Фахриддин ака умрини илмга, халқ хизматига бахшида этди. Бу борада юздан ортиқ мақола ва монографиялар ёзди, 20 га яқин муаллифлик гувоҳномаларини олди. Халқаро анжуманларда ўзбек халқининг илм-фан соҳасидаги анъаналари бардавом эканини амалда кўрсатди. Энг асосийси, у киши шогирдлар тарбиялади. Зеро, шогирдга меҳр кўрсатмоқ, куюнчаклик билан сабоқ бермоқ, улуғлар айтганидек, эзгу амаллар силсиласи бутун бўлишининг омилидир.

Элбек ХОЛИҚОВ

БИТИРУВЧИЛАРИМИЗДАН ФАХРЛАНАМИЗ

Мактаб, унда камол топаётган фарзандлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибор —юрт истиқболига қўйилган пойдевор ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги таълим тизими ислоҳоти йўлида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар республикамиздаги барча таълим муассасаларида амалга оширилмоқдаки, бунинг натижаси ўлароқ ёшларимизнинг барча соҳаларда эгаллаётган ютуқлари тобора бўй кўрсатаяпти. Шеробод туманидаги Ат-Термизий номидаги 14-мактабда ҳам юртимиз келажагининг истиқболини таъминлашга хизмат қилувчи фидоий фарзандларни камол топтириш йўлида бир қанча диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Мактаб 1970 йилда ўзининг илк толиби илмларини бағрига олган бўлиб, бугунги кунда ушбу масканда 855 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларнинг замон талаблари даражасида дунё илм-фани сир-синоатларини мукаммал эгаллашлари учун 48 нафар фидоий ўқитувчиларимиз сидқидилдан сабоқ бермоқдалар. Илм даргоҳида, энг аввало, ўқувчиларнинг чуқур билим оширишларига муҳим эътибор қаратилса, уларнинг ўзидан олдин шу таълим ўчоғида таҳсил олиб, айни кунда эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилаётган собиқ ўқувчиларидан ибрат олишлари учун кўплаб учрашув кечалари ташкил этишга ҳам алоҳида урғу берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бекдавлат Алимов ва Жовли Абдухолиқов каби фан оламининг ҳали инсониятга маълум бўлмаган сирли бой қирраларини очишга интилаётган профессор ўқитувчиларнинг шу мактаб боласи эканлиги ҳар-бир ўқувчига ифтихор бағишлайди. Бундан ташқари, жорий йилда 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрами арафасида ҳукуматимиз томонидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги фаол иштироки, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим-тарбия бериш, уларда эл-юртга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини шакллантириш борасидаги хизматлари учун мукофотланганлар орасида мактабимизнинг география ва биология фани ўқитувчиси Гулчеҳра Исонованинг "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлиги ўқитувчиларимиз, қолаверса, мактабимизга берилган муносиб баҳо бўлди.

Қувонарлиси, собиқ ўқувчилар ўқув йили мобайнида ўқувчилар билан турли учрашувлар ўтказиб, энг аввало ўқувчиларнинг етарли шарт-шароитларда ўқишларини таъминлаш мақсадида ўзининг ҳомийлик ёрдамини ҳам кўрсатишга интилади. Бундай ташаббус натижасида биргина янги ўқув йили бошланиши арафасида мактабни сифатли таъмирлаш учун улар томонидан 2 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари қилинди. Илм даргоҳига ўзгача файз кирди. Бугун ана шу даргоҳда таҳсил олаётган ўқувчилар ўз мактаби, унинг собиқ битирувчилари билан фахрланади.

Баҳодир АБДИХОЛИҚОВ
мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Bugun bolalar uchun yozayotgan shoirlarni negadir kam uchratamiz. Ammo ular sanoqli bo'lsa-da, har biri ko'plab bolalar shoirining o'rnini bosa oladi. Ana shunday shoirlardan biri, O'zbekiston xalq shoiri Po'lat Mo'mindir. Kattalarga ko'plab ash'orlar bitgani holda Po'lat Mo'min hech qachon bolalar uchun yozishni tark etgan emas. Uning she'rlarini maktabda o'qiyotgan va o'qib ketgan barcha birdek biladi.

Po'lat Mo'min bugun keksalik gashtini surmoqda. Ammo hanuz ijoddan chekingani yo'q. Shoirning yaqinda "O'zbekiston" nashriyotida "Bug'doy bobo ertagi" nomli kitobi bosmadan chiqdi. Buni shoirning bolalarga yangi tuhfasi desak, yanglishmaymiz.

Bolajonlarga shoirning yangi she'rlaridan namunalar berilmoqda.



Po'lat MO'MIN

BARKAMOL AVLOD BO'LIB

(Sog'lom avlod qo'shig'i)

Vatan—bog'im—
mevangman,
Gullaringman—jilvangman,
Yurak qarzim o'tarman,
Sog'lom bo'lib, shod bo'lib,
Barkamol avlod bo'lib...

Bahra olib mehringdan,
Toblanaman bag'ringda,
Sovrinlarda yutarman
Sog'lom bo'lib, shod bo'lib,
Barkamol avlod bo'lib...
Quchog'ingni kezayin,
Chaman misol bezayin.
O'z gulimdan tutarman
Sog'lom bo'lib, shod bo'lib,
Barkamol avlod bo'lib.

Ko'pdir tengdosh do'stlarim,
Boqsam to'yar ko'zlarim.
Qo'shiqlaring aytarman
Sog'lom bo'lib, shod bo'lib,
Barkamol avlod bo'lib.

NONGA TA'ZIM AYLAGAYMAN

Nonga ta'zim aylagayman,
Nonga men, shul nonga men,
Bosh egay bug'doy boshoqday
Qirdagi dehqonga men.

Shul ona tuproqda pishgan
Xoh qotgan, xoh kuyuk,
Non azizdir, non haloldir,
Non muqaddas, non buyuk.

Ko'zga sursam arzigaydir,
Boshga qo'ysam bemalol,
Pokiza ul, mo''jiza ul,
Qilmagayman hech uvol.

Bor qadimdan yaxshi hikmat:
Kimki nonni etsa xor,
Bir umrga non urarmish,
U bo'larmish xoru zor.

Guldayin bir burda nonga
Arzimaydir tillalar.
Nonga zor o'tgan odamlar,
Dillarimni timdalar.

Nonga ta'zim aylagayman,
Men Mo'min, shul nonga men,
Bosh egay bug'doy boshoqday
Qirdagi dehqonga men.

BEKORCHILAR–BEORCHILAR

Bir ko'chada
Bir bekorchi
Bo'lar edi,
Bilasizmi,
Qancha bo'ldi
Ular endi?
Xiyol fursat
O'tar-o'tmas
Uchga yetti,
Ular safi
Birdaniga
Bo'ldi yetti.
Bekorchilar
Qorong'uda
Topishdilar,
Bir-biriga
Yelim bo'lib
Yopishdilar.
Dillarida
Bormikan hech
Tilaklari?
Hunarda yo'q
Kuchga to'lgan
Bilaklari.
Goho ular
Shivirlashar,
Vaqillashar,
Bilolmadim
Qachongacha
Laqillashar?
Bekorchilar—
Beorchilar...

SOG'LOM BO'LAR AYNIQSA

Qaysi bola chiniqsa,
Bilagiga kuch yig'sa,
Badanidan ter chiqsa—
Sog'lom bo'lar ayniqsa.

Yomonlikni unutsa,
Qomatini g'oz tutsa,
Sovrinda yengib chiqsa—
Sog'lom bo'lar ayniqsa.

O'z vaqtida o'ynab u,
Yaxshiliklar o'ylab u,
Tog'u toshlarga chiqsa—
Sog'lom bo'lar ayniqsa.

Aslo tajang bo'lmasa,
Asabiga eng maza.
Ishlab-ishlab miriqsa—
Sog'lom bo'lar ayniqsa.

KIMDAN KIM BEZOR?

Kimni kim ezar?
Kimdan kim bezor?
Berganga ozor—
Talay misol bor:
Yomondan yaxshi—
Chekadi ozor.

Quyon, qo'zichoq
Bo'ridan bezor.
Mushukdan sichqon
Bezillar chunon.
Tulkidan xo'roz
Qochar o'rdak, g'oz.

Bezorilar ko'p,
Ozorilar ko'p.
Ishchan bekordan,
Yaxshi beordan—
Bezoru bezor,
Misollar qator.

Hamma o'zicha
Xaq kunduz-kecha.
Biri qilar ov,
Biri qo'yar g'ov.
Yashamoq uchun
Sarflashar kuchin.

O'zimcha sekin
Aytaman lekin,
Beruvchi ko'mak
Uchraydi siyrak...

YASHA, LOCHIN

Yasha, lochin,
Ey, lochin.
Keng yoy, qanot—qulocching.
Qo'nasan qoyalarga—
Tosh pillapoyalarga.
Qoyilman uchishingga,
Ayniqsa uch ishingga:
Tashlanganingda ovga,
Tikka borasan yovga.
Ko'z tikkanda o'ljangga
Yanglishmaysan mo'ljalga.
Asli dadil yuraksan,
Ko'p qushlarga o'rnaksan.
Sen lochinsan, lochinsan
Mardonalikda chinsan.
Topib doim ilojin
Yoyavergil qulocching.

KO'ZI KULGAN BOLALARMIZ

Issiq yuzli,
Shirin so'zli,
Ko'rishganda
Kulgan ko'zli
Bolalarmiz, bolalar.

Gul ko'targan,
Ko'krak kergan,
Yaxshilarga
Salom bergan
Bolalarmiz, bolalar.

Gapni uqqan,
Ham chiniqqan,
Yalqovlikni
Yengib chiqqan
Bolalarmiz, bolalar.

Do'stga ahil,
Sog'lom, dadil,
Barchaga teng
Ochiq ko'ngil
Bolalarmiz, bolalar.

Шифокорнинг беҳосдан айтган, "сизлар заҳм юқтирибсизлар", деган бир оғиз гапи оғзидан чиққан пайтдаёқ бир оиланинг устунини жойидан силжитиб бўлганди. Чунки, шу ондан бошлаб ўртадаги ишончга соя тушди, садоқатга дарз кетди.

Ички ишлар вазирлигига келаётган тезкор хабарлар орасида баъзан фалончи ўзаро жанжал оқибатида хотинини ёки писмадончи эрини бирон-бир қаттиқ жисм билан уриб ўлдириб қўйибди, деган нохуш хабарлар ҳам учраб туради.

Сиртдан қараганда, бу бир жиноятдан ёки мудҳиш қотилликдан дарак беради. Аммо шу биргина жиноятнинг бир қанча оилаларга келтирадиган моддий ва маънавий зарарини кўп ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Ўлган ўлди. Тирик қолган қотил жазосини олади. Шу билан ушбу воқеага чек қўйилади.

Жазодан тавбасига таяниб чиққан қотил энди эски номаъқулчилигини қайта такрорламаслиги мумкин. Аммо, бу даврда унинг ота-онаси ёки фарзандлари чеккан азоб-уқубатлар жиноятчининг панжара ортида тортган заҳматидан ортса ортадики, кам эмас.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари эса жабру ситамга кўникишдан бошқа чора топишолмайди. Шу боис, биз содир этилган айрим жиноятларнинг аянчли ва мудҳиш тафсилотлари хусусида эмас, балки уларнинг содир этилишига сабаб бўлган арзимас ҳолатлар борасида фикрларимизни зикр этмоққа жазм этдик. Ниятимиз баъзан оддийгина сўзларнинг, жўнгина гапларнинг беҳосдан оғиздан чиқиб кетиши ёки ўйламасдан гапирилган ножўя гаплар асорати ва жароҳати гоҳида инсон тақдирини чилпарчин қиладиган воқеалар содир этиши мумкинлигидан сизларни воқиф этиш.

ТАСКИНСИЗ ҚОЛГАН ГЎДАКЛАР

ёки ўйламай айтилган гапнинг аянчли оқибатлари хусусида

"Қайси бирингиз "юрасиз?"" — деган саволдан Фарҳоднинг вужуди титраб кетди. Бутун аъзойи баданини муздай тер босди. Ўзининг яқин орада бегона аёл билан бирга бўлмаганини эслаб титради. Наҳотки у бошқа билан...

Ҳа, шифокорнинг беҳосдан айтган, "сизлар заҳм юқтирибсизлар", деган бир оғиз гапи оғзидан чиққан пайтдаёқ бир оиланинг устунини жойидан силжитиб бўлганди. Чунки, шу ондан бошлаб ўртадаги ишончга соя тушди, садоқатга дарз кетди. Йиллаб бир ёстиққа бош қўйган эр-хотин бир-бирига ёв бўлди-қолди.

Орият, ғурур хиёнатдан дарак берувчи хабар қаршисида зир титраб қақшар, чораси ундан ўч олиш, ўлдириш керак, деган ўйни Фарҳоднинг миясига соларди.

"Сени ўлдирмасам, ўзимни ўлдираман, бундай яшагандан ўлганим яхши". Соатлар эмас, дақиқалар сайин миясини кемираётган бу ўйлар, қабиҳ ният режасини тузишга туртки бўлди.

Кунларнинг бирида хотинига узоқ вилоятлардан бирининг номини айтиб, "Мен хизмат сафарига кетдим", дедию, шу яқин орада яшайдиган опаси Муяссархонникига борди. Ўн кунлар ўз уйини пойлади. Кечалари уйига на биров келди, на хотини уйидан чиқиб бирон жойга бора қолмади. Кутавериб тоқати тоқ бўлди. Вақт алламаҳал бўлгач, ўзининг бир вақтлар бегона аёллар билан бўлганини унутиб, уни тан олгиси келмай, айбни хотинидан ахтарганча, қутуриб уйга кирди. Кирдию ухлаб ётган хотинига пичоқ санчди.

Ширин уйқуда ётган гўдаклар бақир-чақирдан уйғониб кетишди. Бироқ отасининг онасига аёвсиз пичоқ санчаётганини кўриб, донг қотиб қолдилар.

Онанинг аъзойи баданидан тирқираб отилган қон болалар юзига сачради. Улар қўрқувдан ларзага тушиб, чинқирганча ушбу даҳшатли воқеани кузатишга мажбур бўлишди.

Бу воқеа салкам саккиз йил бирга турмуш қурган, уч нафар гулдай фарзандини тарбиялаб вояга етказаётган хонадонда юз берди. Ухлаб ётган хотинига қотил эр ёвуз бўри сингари ташланиб, унинг 9 жойига пичоқ санчди. Бу ҳол уч нафар норасида фарзандлари кўз ўнгида содир бўлди.

Фоҳиша аёллар билан бирга бўлиб, ўзига тери-таносил касаллигини юқтириб олган Фарҳод уни хотинимдан юқтирдим деб гумон қилиб, хотинини эгри қадамсан, дея айблай бошлайди. Касалликдан қутулиш имкониятини эмас, балки хотинидан қутулиш чорасини қидиришга киришиб, гулдай оиласини барбод қилди.

Мазкур аянчли қотиллик тафсилоти атрофлича ўрганилгач, қотилга олий жазо тайинланди.

...

Хадича Шодмоннинг "Сен мендан олдин ҳам бошқалар билан юргансан" деган таънасига дош бера олмади. Ўтмишингни юзингга солмайман деган номард, бугун унинг қалбини жароҳатлади.

Ҳа, Хадича бир йигитни севганди. Аммо, у уни алдаб, бошқасига уйланиб кетди. Шундан сўнг у йигит зотига ишонмайман, дея онт ичди. Бироқ, ҳаёт бошқа экан. Хадичанинг Шодмон билан муносабатлари илиқлашиб, ўзаро яқинлик кучая борди. Айниқса, бир куни Шодмон уни севаман, деганида, вужуди титраб кетди. Йигит зотига ишонмайман деган қиз, бу ҳолнинг сиру сеҳридан лол қолди. Демак, менинг ўзим ҳам уни севарканман, деган хаёлга борди.

Кунлар кетидан ойлар ўтиб, уларнинг танишганига ҳам бир йил тўлди. Баҳор чоғи Шодмон уни саёҳатга таклиф этди. Улар тоғ бағрига сайрга бордилар. Ичкилик ўз ҳукмини ўтказди. Вақтинчалик бўлсин ақл мосуволиги уларнинг бирини иффатдан, иккинчисини ориятдан жудо қилди.

Одамзот қилган хатоларидан сўнг чуқур ўйга толади. Шодмонда ҳам шундай бўлди. Қилган ишидан пушаймон бўлиб, пешонасини муздай тер босди. Наҳотки энди мен у билан бир умр яшайман. Ахир унинг бу феъл-атвори билан яшаш азоб-ку! Ҳечқиси йўқ, бир йўлини топиб, орани очди қилишим керак. Ҳозирча у билан шу тарзда юраверганим маъқул.

Шу қабиҳ ўй унга далда бўлди.

Хадича ҳам ич-этини еди. Бўлган ишдан пушаймонлиги ортиб касал бўлиб қолди. Вужудини қўрқув ва ваҳима қамраб олди: "Агар мени ташлаб кетса, нима қиламан?!".

Ҳа, у Шодмонга ишониб қўйганидан энди афсусланди. Мен кўрман, кўрдан ҳам баттарман. Кўр ҳам ҳассасини бир маротаба йўқотади, дея ўзини койий бошлади.

Шодмон эса муносабатларга сиртдан совуқ туширмади. Ҳар доимгидек "севаман" дейишини қўймади. Аксинча, Хадичани тез-тез ҳужрасига таклиф этиб, гўшанга кўрмаган "келин"ни безовта қилишни давом эттирди.

Ошиқу маъшуқанинг никоҳсиз ишлари, гуноҳ қилмишлари бандаси тугул Яратганга ҳам хуш келармиди, дейсиз. Бунинг поёни кўрина бошлади. Хадичанинг ҳомиладор бўлгани ҳақидаги хабар Шодмонни иккинчи бор терга ботирди. Бироз довдираб туриб, ўзига келгач, аввалига Хадичани болани олдириб ташлашга кўндиришга, рози бўлмаса, ўртада жанжал чиқаришга қарор қилди.

Хадича буни сезганди. Шу боис, бунга рози бўлмади. Ўзини ҳақоратланган сезиб, аразлаб қолди. Аразлаган билан бирон нарса ўзгармади. Иккинчи учрашувда Шодмон: "Мен ўша куни маст бўлганман. Сен мендан олдин ўша йигитинг билан юргансан", деди.

Хадичанинг кўз ўнги қоронғулашди. Бу гапни у кутмаганди. Ахир у биринчи бор Шодмон билан бўлганди. Шу боис, жуда оғир ботди. Шодмоннинг пасткашлигидан дили қаттиқ оғриб турса-да, ўзини қўлга олди.

— Ҳа, мен юрганман, сенга ўхшаган ифлос билан юрганман. Сен — иккинчисисан. Мен ўз қасамимга содиқ қолмаганим учун шу кўйга тушдим. Сенга ишонмаслигим керак эди, — дея ортига ўгирилиб кетди.

Улар уч-тўрт ой кўришмай кетишди. Шодмон бир куни Хадичани учратиб қолди. Ҳисоб-китобига кўра фарзанд кўрадиган пайти эди. Аммо унинг хушбичимгина бўлиб юриши таажжубга солди. Гап қотмай ўтиб кетмоқчи эди, Хадича уни тўхтатди.

— Шошманг, биродар, намунча юрагингиз ёрилади. Қўрқманг, сизга ёпишиб олмайман. Сиздай эр билан яшагандан кўра эрсиз ўтганим яхши. Фақат бир илтимосим бор. Мен болани олдириб ташладим. Аммо энди афсусланаяпман. Ўйлаб қарасам, сиз мен севган ягона йигит экансиз. Менга уйланмасангизда, сиздан битта фарзанд орттириб олишим керак экан. Йўқ демасангиз, бир холи жойда учрашсак, — деди.

Шодмон бу таклифдан довдираб қолди. Каловланиб турганди, Хадича оғзидан гапини олиб: "Йигитмисиз ўзи. Эртага кечқурун ўша доимо учрашадиган жойимизга бораман" деб, қўл силтаб хайрлашди.

Хадичанинг мақсади, Шодмондан ўч олиш эди. Буни Шодмон сезди. Аммо қандай қилиб ўч олмоқчи, буни тушуна олмади. Мелисаларни чақириб мени зўрлади, деб ушлаб берса керак, деб ўйлади.

Хадича айтган вақтида келди. Бироқ орада бўлиб ўтган ишлардан хижолат чекканидан эмас, балки ҳозир биров хонага бостириб келиб қолишидан қўрққан Шодмон Хадичани бошқа жойга таклиф этди.

Буни Хадича ҳам билганди.

— Вой намунча юрагингиз ёрилади. Мен сизга айтдим-ку, сизга ёпишмайман деб. Агар сизнинг устингиздан шикоят қилганимда, ҳозир турмада ўтирардингиз. Сизнинг турмада ўтирганингиз айбингизни ювиши мумкину, аммо менинг иффатимни тиклай олмайди. Шу боис, бўлар иш бўлган. Тақдиримга тан беришдан ўзга иложим йўқ, — деди Хадича уни юпантириб.

Шодмон севиниб кетди. Энди у Хадичадан буткул қутулганига амин бўлди.

— Қани, Шодмон ака, суҳбатимиз жонланиши учун эллик-эллик олмаймизми, — деди Хадича эгнидаги пиджагини ечиб, стул суянчиғига иларкан.

Шодмон ҳадиклар йўқолгач, анча ўзига келди-да, "яримта"-ни олиб столга қўйди.

— Хадича мени кечир, ҳақиқатан ҳам мен номардлик қилдим, — деди.

— Биласизми, мен нимага олдингизга келдим, — деди Хадича унга нозланиб боқаркан. — Ростдан ҳам сизни севаман. Жонимдан ортиқ севарканман. Буни шу вақт оралиғида тушуниб етдим. Аммо сиз мени эмас, балки севгимни хор қилдингиз. Шу боис, сиз менга уйланмасангиз-да, сизни кўриб туришимга, учрашиб туришимизга рухсат беринг, — деди Хадича кўзига ёш олиб.

Шодмон эзилиб кетди. Улар яна аввалгидек бир-бирининг қучоғига талпиндилар.

Соат 12 га яқинлашиб қолганди. Хадича кетиш тараддудига тушди. Шодмон кечаси қолишни таклиф этди. Хадича унамади. Аксинча, хохолаб кулганича:

— Мен мақсадимга етдим. СПИД эдим, — деди.

Шодмон ўзини йўқотиб қўйди. Жойидан сакраб турганча Хадичани ерга аганатиб, бўға бошлади.

— Ифлос... — У ўзини батамом йўқотиб қўйган, Хадичанинг:

— Мен сизни алдадим, ўч олиш учун шу гапни атайин айтдим, — деган гаплари унинг қулоғига кирмади.

Қора курсида ўтирган Шодмон буни тан олди. Қизнинг номусини поймол қилган ва уни ваҳшийларча ўлдиргани учун қотил қилмишига яраша жазосини оладиган бўлди.

...

Дунёда нима оғир дейишганда, бир оғиз сўз, деган экан донишмандлардан бири. Ҳа, ушбу мисолларимизда ҳам икки оғиз гап туфайли эр-хотиннинг ва ошиқ-маъшуқнинг ўзаро ишончи поймол бўлганига амин бўлиш мумкин.

Хуллас, икки аёл ўлди. Қотиллар жазосини олди. Аммо бегуноҳ гўдакларда нима гуноҳ?! Отанинг эркалашига тўймаган, онанинг майин қўлларидан сочлари чала сийпаланиб қолган гўдакларга тирик қолишнинг ва бир амаллаб кун кўришнинг ўзи етарлимикан?!. Уларнинг ўксик қалбларига энди ким малҳам бўлади?!

Шухрат РЎЗИЕВ,
республика ИИВ ҲООББ ходими, милиция майори

ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ЎЗГАРАДИ

Пекинда Хитой коммунистик партиясининг сўнгги 10 йил ичидаги энг муҳим ва энг нуфузли съезди бўлиб ўтмоқда. Бундай дейишимизнинг боиси, съезд тугагач, Цзян Цзэмин бошчилигидаги амалдаги ҳукумат истеъфога чиқади. Съезднинг очилиш маросимида нутқ сўзлар экан, Цзян Цзэмин мамлакатнинг бугунги ички ва ташқи сиёсатига алоҳида тўхталди ва терроризм хавфига қарши жиддий курашмоқ лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, мамлакат ғарбидаги уйғур айирмачиларига муросасиз муносабатда бўлиш лозим. 2 минг нафар делегат иштирок этаётган ушбу йиғинда янги раҳбар сайланиши лозим. Тахминларга кўра, бу лавозимга амалдаги вице-президент Ху Цзиньтао муносиб кўрилиши мумкин.



13 ОЙЛИК ГЎДАК — "ТИТАНИК" РАМЗИ ЭДИ

Канадалик олимлар ДНК анализи ёрдами билан 90 йил аввал ҳалокатга учраган "Титаник" кемаси туфайли ҳалок бўлган гўдакнинг шахсини аниқладилар. Унинг жасади "Титаник" чўккандан 6 кун ўтиб, Канаданинг "Маккей-Беннет" кемасидан топилган ва кемадаги марҳум 120 киши билан бирга Галифакс шаҳри қабристонига дафн этилган эди. Олимларнинг фикрича, унинг исми Эйно Пануло бўлиб, фожеа юз берганда у 13 ойлик гўдак бўлган. Эйно фалокат сабабли ўзининг 4 акаси ва опаси билан бирга кема ойнаси орқали океанга тушиб кетган эди. Чақалоқ фин оиласига мансуб бўлиб, унинг қариндошлари ҳозирда Финляндияда яшамоқдалар. Ўтган асрнинг энг улкан кемаси ҳисобланган "Титаник" 1912 йил 15 апрель куни Тинч океанига чўккан бўлиб, бу туфайли 1000 дан ошиқ йўловчи ҳаётдан кўз юмганди. Эйно Пануло эса инсоният тарихидаги энг катта фожеалардан бирининг рамзига айланган эди.



ВАШИНГТОН СНАЙПЕРИ ВИРЖИНИЯДА СУД ҚИЛИНАДИ

АҚШ бош прокурори Жон Эшкрофтнинг билдиришича, Вашингтон снайпери иши бўйича ҳибсга олинган Жон Ален Муҳаммад ва Жон Ли Малволар ўлим жазосига тортилишлари мумкин бўлган Виржиния штатида суд қилинадилар. Ўтган октябрь ойида 10 кишининг ўлимига сабабчи бўлган снайпер туфайли бутун Вашингтон аҳолиси ваҳимага тушган, ҳатто, ота-оналар болаларини мактабга юбормай қўйган эдилар. Шунингдек, 3 мингдан ошиқ полициячи ва махсус хизматчилар жалб этилган бу жиноий ишни шахсан президент ўз назоратига олганди. Икки гумондор эса шаҳар ташқарисидаги йўл четида машина ичида ухлаб ётишганида ҳибсга олинганлар.





"Интернет" тармоғидан олинди.

ЛОЙИҲА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

АҚШ томонидан учинчи бор қайта ишланиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган Ироқ борасидаги янги резолюция қабул қилиниши мумкин. Чунки, янги резолюцияга қарши чиқаётган Россия ва Франция давлатларидан французлар қайта таҳрир этилган лойиҳага хайрихоҳлик билдирганлар. Расмий Париж вакилининг айтишича, Қўшма Штатлар лойиҳанинг айрим қисмларига ўзгартириш киритишга рози бўлганлар. Лекин, Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари ҳам қўллаб-қувватласаларгина резолюция қабул қилинади. АҚШ президенти Жорж Бушнинг фикрича, резолюция Саддам Ҳусайнга қуролсизланиш имконини беради. Бордию у хоҳламаса, унда мажбур қилинади. 19 ноябрь куни эса Ханс Бликс бошчилигидаги халқаро инспекторлар Бағдодга келади.

"АЛ-ҚОИДА" ЖАВОБГАРЛИКНИ ЗИММАСИГА ОЛДИ

"Си-Эн-Эн" агентлигининг хабар беришича, "Ал-Қоида" ташкилоти интернет орқали Индонезиянинг Бали оролида юз берган террор акти жавобгарлигини ўз зиммасига олди. "Al Neda Web" сайтида пайдо бўлган маълумотда Саудия Арабистонидаги Америка самолётига ҳужум уюштириш, Тунисдаги портлашлар, Ямандаги 2 кемага ва Қувайтнинг Файлака оролидаги ҳарбий базага қилинган ҳужумлар ва Индонезиядаги тунги клубнинг портлатилиши — "бу "Ал-Қоида"ни виждон азобида қийнамайди. Чунки, бу объектлар Ғарб билан алоқадор ҳисобланадилар".

ИҚТИСОДИЁТДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ САНЪАТИ

Nobel mukofoti sohiblari

Туб ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар иқтисодий ҳаётида ўз фаолиятини товар ишлаб чиқаришга йўналтирган кичик корхона ёки фирмаларнинг ўрни муҳимдир. Уларни бошқаришда эса ҳар бир фирма раҳбарларидан катта талабчанлик ва масъулият талаб этилади. Чунки фирманинг иқтисодиёт оламида ўз йўлини топа олиши ҳамда яхши иқтисодий ютуқларга эришишида кўплаб муаммоларга дуч келинади. Хўш, бу борада янги ташкил этилган ва маълум бир йўналишда ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган фирма раҳбари қандай ишларни амалга ошириши ҳамда нималарни билиши керак? Бундай кишилар қайси инсоний фазилатларга эга бўлмоғи зарур? Ана шу масалаларни чуқур ўрганиб, ўз тадқиқотлари билан иқтисодиёт фанида янги йўналишларга йўл очган олим Герберт Саймон ҳисобланади. У кўрсатиб берган йўл-йўриқ ва кўрсатмалар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Жумладан, 1947 йилда Саймоннинг қарорлар қабул қилишни ташкил этиш назариясига бағишланган асарларидан бири "Маъмурий аҳлоқ" номли китоби нашр этилди. Унда Саймон фирмани, умумий мақсадга эришиши учун бир-бири билан ҳамкорлик қилувчи аъзоларининг умумий интилишлари ва ўзаро коммуникацион шахобчалар билан боғланган моддий ва ижтимоий компонентларни ўз ичига олувчи мослашган тизим сифатида тасвирлаб берди. Саймон фирма раҳбаридаги классик тасаввурларни, яъни корхона фойдасини максималлаштириш мақсадида оқилона ҳаракат қилувчи, ҳар нарсага қурби етадиган ва ҳоказо тасаввурларни рад этди.

Бунинг ўрнига у фирмада қарорлар қабул қилиниши, оқилона ҳаракат қилиш бўйича ходимларнинг ҳаракати, уларни шахсий интилишлари ва ижтимоий истиқболлари чекланишини кўрсатиб берди.

Саймоннинг фикрича, фирма ўз олдига фойдани кўпайтиришни эмас, балки фаолият жараёнида келиб чиқадиган мураккаб масалаларнинг қулай ечимларини топишни мақсад қилиб қўймоғи лозим. Бундай вазият тортишувли мақсадларни муҳокамага қўйишни ҳам тақозо этади. "Одам моделлари" (1957 й.) ва "Ташкилот" (1958 й.) китобларида олим "Маъмурий аҳлоқ" асарида илгари сурган назарияларини янада ривожлантиради. У қарорлар қабул қилишнинг классик назариясига — ахборотларни қайта ишлайдиган ва қарорлар қабул қиладиган одамларнинг аҳлоқий ва билиш сифатларини тасвирлаш муҳим элемент етишмаслигига ишончи комиллигини таъкидлаган. Саймоннинг ходими, Жеймс Марчнинг ҳикоя қилишича, у "ҳаммадан ҳам кўра инсон қобилиятсизлигига, бу мутлоқ рационал аҳлоқ учун кўриниб турган тўсиқ деб ҳисоблашларига эътибор беради. Шу йўл билан у бошқа олимларнинг аралаш тадқиқотларига қўл узатди ва натижада чекланган ёки боғланган рационаллик назарияси деб аталувчи жамоавий концепция юзага келди.

Г.Саймоннинг кейинги кўплаб тадқиқотлари сунъий ақл ва фаннинг компьютерлаштирилишига бағишланган. 1952 йил "Рэд корпорейшн"да илмий тадқиқотчи бўлиб ишлаган Аллен Нюэлл билан қилган мунозараси унинг бу масалаларга бўлган қизиқишларини янада кучайтирди. Улар биргаликда муаммоларни компьютер моделлари ёрдамида ечиш соҳасида янги тадқиқотларни бошлаб юбордилар ва кейинчалик бу соҳа Саймоннинг илмий фаолиятида марказий ўрин эгаллади. Олимлар 1972 йил "Инсон муаммоларини ечиш" китобини яратдилар.

Бизнес ва бизнес психологиясида қарорлар қабул қилишда эмпирик тадқиқотларга қўшимча равишда Саймон фирмалар ҳажмининг ва уларнинг иқтисодий ўсишининг ўзаро боғлиқлигини ўрганди, микротизимларни мувофиқлаштиришнинг марказий муаммосини ижобий ҳал қилишга улкан ҳисса қўшди.

Ва ниҳоят Г.Саймон 1978 йил "Иқтисодий ташкилотларда қарорлар қабул қилиш жараёнини новаторларча тадқиқ қилганлиги учун" Нобел мукофотига сазовор бўлди. Швеция қироллик фанлар академиясининг аъзоси Суне Карлсон мукофотни топшириш вақтида сўзлаган нутқида "фирма тузилмаси ва ичида қарорлар қабул қилишларни ўрганиш иқтисод фанининг муҳим вазифаси бўлиб, ушбу янги соҳада Саймоннинг тадқиқот ишлари жуда қимматлидир. Унинг назария ва кузатишлари, тўлалигича бизнес ва давлат маъмуриятида фойдаланиладиган тизимларга ва режалаштириш техникасига, бюджет ва назорат ишларига жорий қилинди. Улар эмпирик тадқиқотлар ўтказиш учун ажойиб асосни ташкил этади" — деб таъкидлаган эди.

Нобель совриндори эса ўзининг автобиографик очеркида "Менинг бошқа фаолиятимдан келиб чиқувчи фанлар бўйича сиёсат юритишда, мен қуйидаги тамойилларга амал қилдим — умумий фанларнинг янада "қаттиқроқ" бўлишига интилиш, яъни улар ўз олдида турган қийин масалаларни ечиш учун зарур бўлган қуроллар билан таъминланган бўлсин ва олимларнинг яқиндан ўзаро алоқа қилишларига ёрдамлашиш, яъни улар бу иккала йўналишдаги донолик талаб этиладиган, жамият сиёсатининг кўплаб мураккаб масалаларига биргаликда ўз билим ва ақл-заковатларини сарфласинлар", — деб ёзган эди.

Бир неча тилларда сўзлаша оладиган Герберт Саймон Нобел мукофотидан ташқари Америка психология ассоциациясининг "Фанга қўшган буюк ютуқлари учун" (1969 й) мукофотига ҳам сазовор бўлган. У Америка иқтисод ва психология ассоциациялари, эконометрик жамият АҚШ миллий фанлар академиясининг аъзосидир. Унга Чикаго, Йел, Макгилла, Лунди ва Эразма (Роттердам) университетларининг фахрий илмий даражалари берилган.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ҳосилжон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси тингловчиси

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 11

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 11 ноябрь куни "Ўзбекистон" телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 "Таҳлилнома".
15.45 Ўзбекистон Республикаси ИИВ қоровул қўшинлари намунали оркестрининг концерти.
16.15 "Ошин". Телесериал.
16.45 ТВ клип.
16.55 "Рамазон тухфаси".
17.15 ТВ анонс.
17.20 "Олтин дала". Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
17.55 ТВ маркет.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Нукус". Премьера.
18.25 "Мулк".
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
21.30 "Гиёҳвандлик - аср вабоси".
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **"Париси бор уй".**
22.10 "Спорт, спорт, спорт".
22.25 "Темур ғори". Видеофильм. 1-қисм.
22.55 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси".
10.20 "Мультфомоша".
10.35 Футбол плюс.
11.00 "Давр" ҳафта ичида.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 Жаҳон жуғрофияси.
12.30 "Давр"-news.
12.45 Болалар экрани: "Бэмбининг болалиги".
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.10 Жар ёқасида.
14.35 Спорт ҳафтаномаси.
14.50 Автосалтанат.
15.05 "Қора ўқ". Бадиий фильм.
16.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан "Озод элим-ойдин йўлим" кўрик-танлови: Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
17.05 "Янги авлод" почтаси, "Савол беринг, жавоб берамиз".
17.30 "Покахонтас". Мультсериал. 21-қисм.
18.00 Қарияларни қадрлаш йили - "Қадрият".
18.20 Белида белбоғи борлар.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Дийдор.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: "23,5 даражали бурчак остида". 10-қисм.
17.40, 19.05, 22.25 "Экспресс" телегазетаси.
18.00 "Болажонлар экрани" "Кекса денгизчининг ҳикояси".
18.10 "Халқ саломатлиги йўлида".
18.30, 20.00, 21.10, 23.45 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Спорт ва болалар".
19.25 "Avto-news".
19.40. "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Ўз уйингни, ўзинг асра ва ҳимоя қил".
22.45 "Муқаддас пойтахтимиз". Телефильм. Премьера.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15-17.45
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари. "Биринчи канал"
18.20 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
19.00 "Мени кутгил".
20.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
21.00 "Время".
21.40 Кинематограф. "Ой нури" агентлиги". Бадиий фильм.
23.20 "Топ-мюзик".
23.30 "Юлдузлар фабрикаси".
00.00 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 12

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Гули". Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Соз сеҳри".
9.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Ёшлик шижоати ҳамнафас байрам". Премьера
9.40 "Портретга чизгилар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.25 "Икки соҳил". Бадиий фильм.
11.35 "Гиёҳвандлик - аср вабоси".
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 "КиноТеатр".
12.30 "Париси бор уй".
12.50 Эстрада тароналари.
13.15 "Спорт, спорт, спорт".
13.30 "Олам". Телеальманах.
14.10 "Буни умр дерлар".
14.30 "Живз ва Вустер". Телесериал.
15.20 "Талабалик йилларим".
15.50 "Ватанимга хизмат қиламан".
16.50 ТВ анонс.
16.55 "Рамазон тухфаси".
"Болалар сайёраси":
17.15 1. "Олтин тож". 2. "Улғайиш поғоналари".
18.10 "Баркамол авлод орзуси".
18.30 "Инсон ва қонун".
18.50 "Олтин мерос".
19.10 "Тафсилот".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 "Солиқ ва биз".
21.20 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.50 "Рамазон тухфаси".
22.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.30 "Олам футболи".
22.50 "Темур ғори". Видеофильм. 2-қисм.
23.20 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" почтаси, "Савол беринг, жавоб берамиз".
9.40 "Покахонтас". 21-қисм.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 "Эсмеральда".
10.50 Ёшлар овози.
11.10 "Йиртқичлар".
12.00 Дийдор.
12.20 Болалар экрани: "Бэмбининг ёшлиги".
13.25 Белида белбоғи борлар.
13.45 Интерфутбол.
15.25 "Умрбоқий қўшиқлар". Мусиқий фильм.
15.55 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
16.45 Ҳуқуқ ва бурч.
17.15 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
17.35 "Покахонтас". 22-қисм.
18.00 Таянч.
18.25 Автопатруль.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Давр-интервью.
20.00 Марди майдон.
20.20 Илдиз ва яброқ.
20.40 Ёшлик наволари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 11-қисм.
17.45, 19.00, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани". "Эртак давом этади".
18.06 18.30, 20.00, 21.10, 22.50 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ҳимоя".
19.20 "Мумтоз наволар".
19.45 "Долзарб мавзу".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Туризм ҳақида".
22.20 "ТВ плюс".
23.15 Кинонигоҳ. "Тепаликдаги уй".

«Халқаро» телеканал

"Биринчи канал"
7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15-17.45
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари. "Биринчи канал"
18.20 Машҳурлар. Тамара Глоба.
19.00 "Оилавий ришталар".
19.55 "Сўнгги қаҳрамон-2".
21.00 "Время".
21.40 В. Меладзе иштирокидаги концерт дастури.
22.45 "Авиация дунёси".
23.05 CFI тақдим этади: "Бешинчи ўлчов".
23.30 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ–IV
24.00 "Ахборот" (рус тилида)

Чоршанба, 13

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Дўппи". Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Рангин дунё".
9.15 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Номаълум Қизилқум".
9.40 "Бахтимизга омон бўлинг".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Отни ким эгарлайди". Бадиий фильм.
11.40 "Инсон ва қонун".
12.05 Болалар учун. "Фламинго".
12.30 "Тафсилот".
12.45 "Ўзбекистон бастакорлари".
13.05 "Баркамол авлод орзуси".
13.25 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан".
"Болалар сайёраси":
14.30 1. "Қувноқ шаҳарча". 2. "Болаликнинг мовий осмони".
15.30 "Ягона оилада".
16.05 "Рамазон тухфаси".
16.25 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси. "Пахтакор" - "Ал-Аҳли" (БАА) "Пахтакор" марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - ЯНГИЛИКЛАР.
18.20 "Ривож".
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 «Ахборот".
21.05 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
21.30 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.00 "Рамазон тухфаси".
22.20 "Спорт, спорт, спорт".
22.35 "Темур ғори". 3-қисм.
22.55 "Ахборот -дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
9.40 "Покахонтас". 22-қисм.
10.05 Давр-интервью.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 "Эсмеральда".
11.05 Таянч.
11.25 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Болалар экрани: "Петянинг орзуси". Мультфильм.
12.55 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
13.35 Азизим.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.15 Автопатруль.
14.35 Илдиз ва яброқ.
14.55 "Кўҳна тоғлар қиссаси". Бадиий фильм.
16.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан "Озод элим-ойдин йўлим" кўрик-танлови: Қорақалпоғистон Республика телерадиокомпанияси тақдим этади.
16.40 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар", "Кичкинтой театри".
17.10 "Покахонтас". 23-қисм.
17.40 Чемпион сирлари.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Севги тароналари.
20.50 "Эсмеральда".
21.25 "Бунёдкор" ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 12-қисм.
17.45, 19.10, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани "Учар кема".
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Мусиқий меҳмонхона".
19.30 "Аёл она, мураббий рахбар". Телеклуби.
19.50 "Эҳтиром ила".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Эл хизматида".
22.30 Кинонигоҳ. "Интервью".

«Халқаро» телеканал

"Биринчи канал"
7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15-17.45
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари. "Биринчи канал"
18.20 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
19.00 "Оилавий ришталар".
20.00 "Рус рулеткаси". Телеўйин.
21.00 "Время".
21.40 "Нигоҳ".
22.00 "Форт Боярд".
22.45 "Форс-мажор".
23.30 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ–IV
00.00 "Ахборот" (рус тилида)

Пайшанба, 14

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Нодир хазина". Телефильм.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Қувноқ шаҳарча". 2. "Болаликнинг мовий осмони".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Телевизорни ўчиришни унутманг". Бадиий фильм.
11.35 "Меҳр қолур".
12.05 Мусиқий танаффус.
12.20 "Оламни асранг!"
12.40 "Спорт, спорт, спорт".
12.55 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
13.20 "Ошин". Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 "Озод юрт одамлари".
14.30 "Живз ва Вустер". Телесериал.
15.20 "Йўл бошида".
15.40 Мусиқий танаффус.
"Болалар сайёраси":
15.55 1. "Табиат алифбоси". 2. "Бешбармоқ".
16.55 "Рамазон тухфаси".
17.15 "Ҳунарманд".
17.30 От спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.05 "Ҳаёт қомуси".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 Телемулоқот: "Тўйлар ҳақида".
21.45 "Рамазон тухфаси".
22.05 "Саньатга бахшида умр". Т. Алиматов.
22.40 "Темур ғори". Видеофильм. 4-қисм.
23.05 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар", "Кичкинтой театри".
9.45 "Покахонтас". Мультсериал. 23-қисм.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 "Эсмеральда".
10.55 Тафаккур ёлқинлари.
11.10 Спорт-қитъаси
11.35 Чемпион сирлари
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 Ёшлар овози.
13.05 Сийрат.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Кўҳна оҳанглар.
15.15 "Жаннат". Бадиий фильм. 1-қисм.
16.30 Қарияларни қадрлаш йили - "Қадрият".
16.55 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси", "Келинг, танишайлик".
17.25 "Покахонтас". 24-қисм.
17.50 "Каратэ - менинг ҳаётим". Телефильм.
18.15 Қутқарув "050".
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 "Давр"-интервью.
20.10 Бегойим.
20.30 "Ёр ишқи".
20.55 "Эсмеральда". Телсериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 13-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани. "Ғаройиб қудуқ".
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.25 "Камолот фасли".
19.45 "Жозиба".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Мушоҳада".
22.45 Кинонигоҳ. "Калейдоскоп".

«Халқаро» телеканал

"Биринчи канал"
7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15-17.45
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари. "Биринчи канал"
18.20 "Биз анойи эмасмиз". Ҳажвий кўрсатув.
19.00 "Оилавий ришталар".
20.00 "Заиф бўғин". Телеўйин.
21.00 "Время".
21.40 "Виртуал олам".
21.50 "Британия кундалиги".
22.05 "Ҳинд оҳанглари".
22.25 Кинематограф. "Куйлаётган аёл". Бадиий фильм.
23.30 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ–IV
00.00 "Ахборот" (рус тилида)

Жума, 15

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Зардўзлар". Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Табиат алифбоси". 2. "Бешбармоқ".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса". Бадиий фильм.
11.30 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Қашқадарё вилояти.
12.05 "Китоб жавонингизга".
12.15 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
12.35 "Озода бўлса шаҳринг".
12.50 "Олам". Телеальманах.
13.25 "Саньатга бахшида умр". Т. Алиматов.
14.10 Телемулоқот: "Тўйлар ҳақида" (такрор)
14.55 "Живз ва Вустер".
15.55 "Ҳуқуқ сабоқлари".
"Болалар сайёраси":
16.15 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
16.55 "Рамазон тухфаси".
17.15 "От спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
17.45 Мусиқий танаффус.
18.10 "Сиҳат-саломатлик".
18.30 "Истеъдод".
18.50 "Тафсилот".
19.05 "Ҳидоят сари".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот".
21.05 "Сиёсат оламида".
21.25 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.55 "Рамазон тухфаси".
22.15 "Мумтоз наволар".
22.35 "Руҳият манзаралари".
22.55 "Спорт, спорт, спорт".
23.10 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси", "Келинг, танишайлик".
9.45 "Покахонтас". 24-қисм.
10.10 "Давр"-интервью.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 "Эсмеральда".
11.10 Ёшлар овози.
11.30 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
12.20 Бегойим.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Кўҳна оҳанглар.
14.30 Бола тилидан.
15.00 "Жаннат". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.30 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"
16.50 "Покахонтас". 25-қисм.
17.15 Бахтли болалик қўшиқлари.
17.30 Олов билан юзма-юз.
17.45 Дунё ажойиботлари.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. "Ҳуқуқ ва бурч".
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 "Давр" нигоҳи.
20.15 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
20.30 Ёшлик наволари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
00.10 Давр.
00.25 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 14-қисм.
17.45, 19.05, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани. "Тайёрланмаган дарслар мамлакатида".
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Мисли гавҳар".
19.25 ТТВда мусиқа.
19.30 "Саодат калити".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Ҳамшаҳарлар".
22.35 Кинонигоҳ "Бу чексиз олам".

«Халқаро» телеканал

"Биринчи канал"
7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари. "Биринчи канал"
18.20 Ҳужжатли детектив.
19.00 "Оилавий ришталар". Сериал.
20.00 "Мўъжизалар майдони".
21.00 "Время".
21.35 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ–IV
22.35 "Дурдаршан".
23.00 Кинематограф. "Ёввойи муҳаббат". Бадиий фильм.
00.45 "Ахборот" (рус тилида)

Шанба, 16

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Она замин неъматлари".
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 9.40 "Ҳидоят сари".
10.00 "Мумтоз наволар".
10.20 "Руҳият манзаралари".
10.40 "Спорт, спорт, спорт".
11.00 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари". 3-фильм. 1-қисм.
12.15 Интерклуб.
12.50 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари". 3-фильм. 2-қисм.
14.05 "Маърифат".
"Адабий ҳараён":
14.35 1. "Ёзувчи ва замон". 2. "Шеър ва шуур".
15.10 Мультфильм.
15.20 "Куйла, ёшлигим".
15.45 "Фламинго".
16.05 "Бу ажиб фасл".
16.25 "Ягона оилада".
16.55 "Рамазон тухфаси".
17.15 "Рангин дунё".
"Болалар сайёраси":
17.45 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
18.45 Эстрада тароналари.
19.05 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олтин дала".
21.40 "Рамазон тухфаси".
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" - "Самарқанд-Д", "Трактор" - "Бухоро".
24.00 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"
9.20 "Покахонтас". 25-қисм.
9.45 Болалар клуби.
10.05 Табобат оламида.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 "Эсмеральда".
11.10 "Бунёдкор" ёшлар телеклуби.
11.35 Ринг қироллари.
12.35 "Давр" нигоҳи.
12.55 "Қалбим чечаги". Телесериал 9, 10 қисмлар.
14.30 Ёшлар овози.
14.50 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.30 Кўҳна оҳанглар.
15.35 "Рамаяна". Телесериал.
16.15 Ишингиз бароридан келсин.
17.20 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
17.40 "Покахонтас". 26-қисм.
18.05 Футбол плюс.
18.25 Бизнес-академия.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Мозийдан келажакка.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 "Давр"-репортаж.
20.15 Кутилмаган меҳмон.
20.35 Муҳаббат қўшиқлари.
21.00 "Қалбим чечаги". 11-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Танишинг, Жо Блэйк". Бадиий фильм. 1-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Мультчархпалак".
17.40 "Жаҳон географияси".
18.10, 19.40, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.30 "Афиша".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Пойтахт". (рус)
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.50 "Моҳир".
21.00 "Пойтахт".
21.25 "Ташриф".
22.05 Кинонигоҳ. "Қаноти-ми, Оёғи".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.10 "Алиса мўъжизалар мамлакатида". Фильм балет.
БИРИНЧИ КАНАЛ
10.10 "Лаззат".
10.30 "Табиатшунос билан саёҳат".
11.00 "Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси".
ЎзТВ–IV
11.40 "CFI янгиликлари".
11.50 "Мультсеанс".
12.10 "7 дан 70 гача".
12.40 Болалар соати: "Навқирон Айвенго". Бадиий флиьм.
14.10-15.10 "Дўстлик" видеоканали: "Немис шарҳи", "Чинсэн", "Бизнен мирас".
17.05 "Йил қўшиқлари". Куз.
18.00 "Янгиликлар".
18.15 "Йил қўшиқлари". Куз.
18.50 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
19.55 "Сўнгги қаҳрамон-2".
21.00 "Время".
ТУНГИ КАНАЛ: "ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС..."
21.30 "Шлягер".
21.45 "Т. Полонская билан бирга".
22.05 "Моданинг гўзал дунёси".
22.20 "Хит парад".
22.35 "Вояж".
22.50 "Яшаш воситаси".
23.05 "Бешинчи ғилдирак".
23.20 "Автострада".
23.35 "Икки ёқлама зарба".
23.50 "Ахборот" (рус тилида)
00.25 Киносеанс: "Кабелчи". Бадиий фильм.

Якшанба, 17

«Ўзбекистон» телеканали

5.30 "Рамазон тухфаси".
5.50 "Афсонавий шаҳарда". Телефильм.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак".
9.10 "Ғаройибот".
9.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". - Мультфильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.25 Болалар учун видеофильм. "Бувим ёпган нон".
12.15 "Кўҳна замин оҳанглари".
12.35 Телевизион миниатюралар театри.
13.05 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
14.05 ТВ-1 кинотеатри: **"Бургунд қасрининг сирлари".**
15.35 "Қалб гавҳари".
16.05 Муайтай бўйича Республика биринчилиги.
16.35 "Дунё эшиклари очилди бизга".
16.55 "Рамазон тухфаси".
"Болалар сайёраси":
17.15 1. "Саньат ғунчалари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.10 "Талабалик йилларим".
18.30 "Тўртинчи ҳокимият".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Якшанбада сиз билан бирга".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи".
22.15 "Рамазон тухфаси".
"Якшанба кинозали":
22.35 "КиноТеатр".
22.55 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Эйс Вентура": зоодетектив". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
9.20 "Покахонтас". 26-қисм.
9.50 "Давр"-репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.35 "Заковат" интелектуал ўйини.
11.30 "Ёшлар" телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон 2. Аскар мактублари. 3. Қутқарув "050".
12.20 Нокаут.
12.45 "Ниҳол" мукофоти совриндорлари қўйлайди.
13.00 Дунё ажойиботлари.
13.20 Болалар экрани: "Ренард исмли тулки". Мультфильм.
14.35 Чемпион сирлари.
14.55 Кўҳна оҳанглар.
15.05 "Экспедиция".
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 Очун.
16.40 "Рамаяна". Телесериал.
17.35 "Янги авлод" студияси: "Имкон" телеўйини.
18.10 Болалар клуби.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 Кўҳна оҳанглар.
19.35 Оила тилсими.
20.00 Зинама-зина.
20.30 Ёшлик қўшиқлари.
20.55 "Қалбим чечаги". 12-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Танишинг, Жо Блэйк". Бадиий фильм. 2-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.00, 20.40, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
19.20 "Жаҳон географияси".
19.50 "Телефакт".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.25 "Бу сизга ёқади..."
22.05 Кинонигоҳ. "Пулга берилманг".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.10 "Кайфият".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
10.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
10.30 "Ҳамма уйдалигида".
11.10 "Мазаҳўраклар".
12.00 "Экипаж".
12.20 "Парле ву франсе?"
12.45 "FCN". Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
12.55 "Инглиз тили Сиз учун".
13.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
13.40 "Фан тайм".
13.50-15.10 "Дўстлик" видеоканали: "Корейс тилини ўрганамиз", "Рангинкамон", "Дидар", "Айчурек".
17.05 "Бинафша".
17.25 "Мюзик-холл".
17.50 "Ассалом, Франция!"
18.05 "Ҳикоя".
18.25 "Мусиқий серпантин".
19.05 КВН-202. Биринчи ярим финал.
21.20 "7 кун".
21.45 "Тенгдошлар".
22.15 "Олтин микрофон".
22.45 "Кинопрофи".
23.05 Кинематограф. "Жиян". Бадиий фильм.
00.30 "Таҳлилнома".

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинлари кутилганидан ҳам зиёда ўтгани айни пайтда ташкилотчилар ва иштирокчиларнинг келгуси мусобақалар тайёргарлигига зўр иштиёқ бағишлади.

E'tirof

АЖДОДЛАРИ АЛП ЎТГАН АВЛОД

УЛАРГА ЯНА УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Спорт миллат танламайди. 2001 йил Хартенбоснинг кўзга кўринган спорт мажмуи Африка учун янги спорт тури саналмиш ўзбек кураши мухлисларининг барчасини сиғдира олмаган эди. Шундан сўнг, Африка қитъасининг 15 га яқин давлатида Кураш Федерациялари иш бошлади. Олий мақсад — ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига қўшиш учун Ватанимиз ҳамда халқаро майдонда қилинаётган саъй-ҳаракатлар суръати ҳам сусайганича йўқ. Демак, кураш дунё спортига айланди. Бу ҳам бўлса Ўзбекистонда спортга, спортчиларга бўлган алоҳида эътиборнинг натижаси дейиш мумкин.

"Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу эътиборга яна бир бора мустаҳкам пойдевор ўрнатди. Халқаро спорт ареналарида ўз сўзини айтаётган спортчиларимиз сафини бунданда кенгайтириш ва энг асосийси, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклигини кўзловчи Жамғарма ҳомийлик Кенгашининг раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши бу борадаги ишлар бир дақиқа бўлсада сусаймасдан, аксинча, ривож топиб боришининг далолатидир.

Ушбу икки муҳим ҳужжатнинг диққатга сазовор жиҳати барча қилинадиган ишлар, шаҳар, вилоят ва чекка қишлоқларда бирдек амалга оширилиши учун ҳудуд филиалларига бириккан тизимда фаолият олиб боришида кўринади. Шубҳасиз, бундан буён бир гуруҳ ўқувчиларнинг мактабида стадион йўқлиги учун шудгор қилинган майдонда тўп тепишаётганидан ёзғириб ёзган шикоят хатлари ёки бўлмаса, мактаб спорт залининг омборхонасидаги жисмоний машқлар учун мўлжалланган асбоб-анжомлар занглаб ётганлиги, уларни ўқувчиларга фойдаланиш учун бермаётган "узоқни кўзлайдиган ўқитувчи"лар хусусидаги баҳсларга чек қўйилади. Энди оддий қишлоқ боласи телевизорда кўрсатилаётган сув спорти чемпионининг хатти-ҳаракатларига ушалмас орзу сифатида қарамайди. Унинг ўзи мўъжазгина ҳавзасида ҳар куни шуғулланиб, нуфузли мусобақалар шунқорига айланади...

Мамлакатимизда ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилган ва ҳар бир иштирокчию мухлисларнинг, ҳатто хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлган спорт мусобақалари тизими тезлик билан ўз ўзанига тушиб олди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинлари кутилганидан ҳам зиёда ўтгани айни пайтда ташкилотчилар ва иштирокчиларнинг келгуси мусобақалар тайёргарлигига зўр иштиёқ бағишлади.

Демак, юртимиз ёшлари орасида истеъдодлар юзага чиқиб, яратилаётган шарт-шароитлардан руҳланган кучли ўринбосар спортчилар етишиб чиқаверади. Аждодлари алп ўтган авлоднинг ўзи ҳамда юртининг бакамоллигини кўзлаб қиладиган ҳаракатлари самарасиз кетмаслиги, шубҳасиз.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma`rifat" мухбири

БУГУН ФУТБОЛ УЧРАШУВИ

Россия миллий чемпионатининг 29-тур баҳсларининг марказий ўйини бугун МҲСК ва "Спартак" жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. МҲСКнинг "Торпедо" ўйингоҳи 13200 томошабинга мўлжалланган эсада, мухлислар сони ундан ҳам ошиши кутилмоқда. Қолган жамоалар ўртасидаги учрашувлар эса эртага ўтказилади. Бугун ҳарбий спорт клубига қарши майдонга тушадиган "спартак"чилар эртага Чемпионлар лигасида қатнашиш учун Валенсиага учиб кетади.



БЕКХЭМЛАР ОИЛАСИДА ТАШВИШ

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби етакчиси Дэвид Бекхэм ўз оиласи хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриб чиқмоқчи. Чунки, унинг рафиқаси, машҳур "Spice Girls" мусиқа гуруҳи аъзоси Виктория Бекхэм ва унинг 2 фарзандини ўғирлаш ниятида бўлган 9 киши ҳибсга олинди. "News of the World" газетаси мухбири берган маълумотга асосан полиция жиноятчиларни қўлга олган. Манбаларга кўра, руминиялик ва албаниялик бўлган бу кишилар Виктория ва унинг жажжи ўғилчаларини ўғирлаб, 5 миллион фунт стерлингга сотиш ниятида бўлганлар.

САФИН ХЬЮИТ БИЛАН БИР ГУРУҲДА

Катта теннис туркумига кирувчи "Masters Cup" турнирининг 12-17 ноябрь кунлари Шанхайда бўладиган якуний финал босқичида иштирок этувчилар ўртасида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда профессионал ракетка усталари 2 гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳда Ллейтон Хьюит, Марат Сафин, Карлос Мойя ва Альберт Косталар куч синашадилар. Иккинчи гуруҳда эса Андре Агаси, Хуан Карлос Ферреро ва Роджер Федерерлар баҳс юритадилар.

МАККАРТИ ИРЛАНДИЯ ЖАМОАСИНИ ТАРК ЭТДИ

Футбол бўйича Ирландия терма жамоасига 6,5 йилдан буён бош мураббийлик қилиб келган Мик Маккарти истеъфога чиқди. Маккартининг жамоадан кетишига ўйинчилар билан чиқиша олмаганлиги, хусусан жамоа сардори Рос Кин билан жанжаллашиб қолиши сабаб бўлди. Бош мураббийнинг шартнома муддати 2004 йил тугаши керак эди.

МАРАДОНАНИНГ ҚАРЗИ

Италиянинг Неапол суди собиқ футбол юлдузи Диего Марадонанинг адвокатлари томонидан талаб этилган аппелляция ишини кўриб чиқишни рад этди. Аргентеналик футболчи эса 1980 йилларда "Наполи" клубида ўйнаган вақтида 28 млн. еврога яқин пулни солиқ тўлашдан яширганликда айбланмоқда.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИГА КИМ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Дания пойтахтида Европа футбол федерацияси кенгаши (УЕФА)нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор 2008 йил бўладиган Европа чемпионатига қайси давлат мезбонлик қилиш учун лойиқлиги кўриб чиқилди. Ҳозирги талабгорлар орасида Россия, Дания, Норвегия ва Швеция давлатлари бор. УЕФА президенти Леннар Юханссоннинг фикрича, мезбон бўлувчи чемпионатни профессионал даражада ташкил этиши ва муваффақиятли ўтишини таъминлай олиши керак. УЕФА 13 декабрь куни Европа чемпионати қайси давлатда ўтказилиши бўйича якуний қарорга келади.

ЭНГ БОЙ СПОРТЧИ

Британиялик оғир вазндаги профессионал боксчи Леннокс Льюис америкалик Майк Тайсон устидан ғалаба қозонгач, унинг обрўси кескин кўтарилиб кетган эди. Бугун айнан Льюис Буюк британиялик энг бой кишилар ўртасида спортчилардан етакчилик қилмоқда. У Тайсон устидан муваффақият қозонганидаёқ 30 миллион фунт ишлаган эди. Энг бой спортчилар сифатида Льюисдан сўнг "Манчестер Юнайтед" клуби аъзоси Дэвид Бекхем турибди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2000 йил 22 август куни Халқ таълими вазирлигининг "Таълим — Савдо" бош бошқармаси номига берилган регистрация (006122) гувоҳноманинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг раёсати раёсат аъзоси, ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдулҳай Қосимович ВАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдулҳай Қосимович ВАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1028.

Тиражи 23316 Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоқ.

Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ
Навбатчи:
Фаррух БЎТАЕВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 22.30

"Singapore-Samarkand"
маҳсулотларини харид қилинг!

SINGAPORE SAMARKAND

Ice Cream

DAIRY CLASSIC

"Singapore-Samarkand"
хорижий корхонаси
хусусий тадбиркорлар ва тижорат
фаолияти билан шуғулланувчи
юридик шахсларни, расмий дилерларни
юқори сифатли музқаймоқ етказиб
бериш юзасидан ҳамкорликка
таклиф этади.
Бизнинг музқаймоқларимиз 2001 йилда
Марказий Осиё давлатларида ўз юқори
сифати билан эътироф этилган!

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкентда: 79-87-46, 79-87-22
Самарқандда: 31-14-69, факс: 31-23-94